

Маҳалла

42 (696)

ISSN 2010-7013

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси республика бошқаруви нашри

2009 йил 21 октябрь, Чоршанба

21 ОКТАБРЬ — «ДАВЛАТ ТИЛИ ҲАҚИДА»ГИ ҚОНУН ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН КҮН

ТИЛ — МИЛЛАТНИНГ ФУРУРИ

Бундан 20 йил олдин, 1989 йилнинг 21 октябрида Президентимиз Ислам Каримовнинг ташаббуси ва матонати билан республикамиз Олий Кенгаши ўзбек тилига Давлат тили мақомини беришга бағишлаган улкан сиёсий ҳужжатни — Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили ҳақида»ги Қонунни қабул қилди. Бу — айтишга осон, холос. Ахир, ушбу қонун ҳали собиқ қизил империя, мустабид тузум икки оёғида мустаҳкам туриб, ҳукмини ўтказиб келётган, биз ўз изимиз билан яшашга ҳали ҳаққимиз бўлмаган бир тарихий вазиятда қабул қилиниб, амалга жорий этилди. Ушбу жасорат билан қабул қилинган Қонун бутун собиқ иттифок ҳудудидида миллий уйғонишларнинг илк ҳаяжонли кўнгириғидай катта ҳаётбахш куч билан садо берган эди. У тилимиз ривожига мустаҳкам ҳуқуқий-сиёсий асос яратди.

НУҚТАИ НАЗАР > [6]



АҲОЛИ БАНДЛИГИ ТАЪМИНЛАНМОҚДА

ЖИЗЗАХ вилоятида аҳоли бандлигини таъминлашга жиддий эътибор берилаётгани туфайли «Қишлоқ тарққийети ва фаровонлиги йили» Давлат дастурида белгиланган вазифалар кўнгилдагидек бажарилиб, бу борадаги мавжуд муаммолар ўз ечимини топтоқда. Мазкур йўналишдаги ҳаракатда маҳаллаларнинг ибрат кўрсатаётгани қувонарлидир. Айнан фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари томонидан ишчилар сони аниқланиб, улар бандлигини таъминлаш чоралари кўриляпти.

Воҳада, айниқса, саноат ишлаб чиқаришини янада жадаллаштириш, мева-сабзавот ва чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозланган илҳам корхоналарнинг барпо этилиши кўл келмоқда. Хизмат кўрсатиш, муҳими, сервис соҳасини сифат жиҳатдан янги даражага кўтариш, шу асосда аҳолини, аввало, ёшларни ишга жойлаштиришга эришиш йўли билан улар даромади оширилиб, фаровонлиги ортмоқда. Бундай саъй-ҳаракатлар натижа-сида жойларда ишсизлар сони камай-моқда.

«Маҳалла» жамғармасининг вилоят бўлими ҳамкор ташкилотлар билан бир-галликда белгиланган талбирлар режаси асосида 13 минг нафар ўрта махсус билим юртлири битирувчиларини, Қурол-

ли Кучлар сафидан бўшатилган, аммо иш билан таъминланмаган 1800 нафар йигитни, квота асосида икки мингга яқин ногиронларни, шунингдек, касаначиликни янада жонлантириш ҳисоби-га қўшимча тарзда уч минг нафар фуқароларни ишга жойлаштириш бўйича режаларни кўрсаткичларнинг бажарилишига эришмоқда. Шу мақсад йўлида вақт-вақти билан меҳнат ярмаркалари ташкиллаштирилиб, уларнинг самарали яқунланишига эришиляпти.

Вилоят ҳокимлиги, вилоят прокуратураси, ички ишлар, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармалари, «Маҳалла» жамғармасининг вилоят бўлими, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят Кенгашлари ҳамкорлигида жорий йилнинг 14-15 август кунлари ўтказилган «Бўш иш ўринлари» ярмаркасида ҳам сезиларли натижалар қўлга киритилди.

ҚИШЛОҚ ТАРАҚҚИЁТИ > [2]

НАМАНГАН ЯНАДА КЎРКАМЛАШАДИ

Тадбиркорликка, ишбилармонликка йўл очилган дастлабки йилларда Абдусамат ака ҳам (айрим ис-тихола билан исмини ўзгартирдик) шаҳар марказида, серқатнов йўл бўйида чоргоққина дўконча қурганди. Секин-аста сармоёси кўпайиб, унинг ёнига яна икки-учта қўшимча хоналар қўшди. Қараса, Биров мушугини «пишт» демаяпти. Даромад ортгач, энди дўконга ошхона уланди. Бу хизматлар кўпчилигининг ҳожа-тини чиқарди, албатта. Лекин турли йил-ларда, тартибсиз услубда, замонавий архитектура талабларига зид равишда, боз устига, тегишли рухсатномаларсиз қурилган иморат шаҳар ҳуснига доғ бўлиб тушди. Унинг панасида қўлиб кетган аҳоли хонадонларидан ҳам эътироз кўпайди.

Бу — уч ой аввалги манзара. Ҳозир бу дўкон-у ошхоналарнинг ўрни очилиб, шаҳар бош режаси асосида, замонавий архитектура лойиҳалари билан аҳолига хиз-мат кўрсатадиган янги шохобчалар қури-лишига тайёргарлик кўриляпти.

Дарҳақиқат, бундан атиги уч ой илгари Наманган вилоятига, хусусан, унинг маркази — Наманган шаҳрига ташриф буюрган киши юқоридаги каби ҳолатни кузатиши мумкин эди. Бугунги кунда эса, вилоят маркази улкан қурилиш майдони-га айланган. Бойси, ўтган қисқа вақт ичи-да Президентимизнинг Наманган вилоят-тини ободонлаштириш, ижтимоий инф-ратузилмасини, саноатини ривожлантириш масаласига оид бир қатор Фармойиш ва қарорлари қабул қилинди. Бугун вилоят-

да улар ижросига масъулият билан ёнда-шилаётгани боис, Наманганда тараққий-тин янги босқичи бошланди.

— Муҳтарам Президентимиз Ислам Каримовнинг вилоятимизга ташрифлари давомида ана шу ўзга-ришларга тамал тоши қўйилди, — дейди На-манган шаҳар ҳокими Илҳомиддин Ботиров. — Бугун Наманган шаҳри меҳнат аҳли, кенг жамоатчилик бир гайратига ўн гайрат қўшиб, астойдил ишга киришган палла.

Асосий кўчалари-миз ҳуснини бузиб турган ноқонуний қурилмалар йўқотил-ди. 240 дан ортиқ объектларда эса таъ-мирлаш ва реконструкция ишлари олиб борилмоқда.

Президентимизнинг «Наманган шаҳри-ни 2009-2012 йилларда ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмасини ривож-лантириш чора-тадбирлар Дастури тўғри-сида»ги қарорлари ижросини таъминлаш доирасида кенг кўламли бунёдкорлик, яра-тувчанлик ишлари амалга оширилмоқда. Экологик муҳитни яхшилаш мақсадида шаҳарнинг марказида жойлашган «Нама-нанганэкстракт» ва «Карбонам» акциядор-лик жамиятлари бошқа жойга кўчирилиб, бўшаган майдонга замонавий ва барча инфратузилма, сервис хизматларини ўз ичига олган 31 та кўпқаватли тураржой

бинолари ҳамда 1000 ўринли уйингоҳ, ёпиқ сузиш ҳавзаси, гимнастика заллари-ни ўз ичига олган йирик спорт мажмуаси қурилиши режалаштирилиб, бу мақсадда дадил ҳаракатлар олиб борилмоқда.

Шунингдек, шаҳар-нинг эски, тор — Турақўрғон кўчасини кенгайтиришга кири-шилди. Дўстлик шоҳ кўчаси, Алишер Наво-ий, Бобур шоҳ кўча-ларида янги лойиҳа асосида таъмирлаш-қурилиш ишлари бош-лаб юборилди.

Шаҳар аҳли ва меҳмонларини, ай-ниқса, ёшларимизни қувонтираётган яна бир катта ўзгариш ҳақида айтиб ўтиш жоиз. Вилоят Маданият саройи биноси «Ёшлар маркази»га айлантириляпти. Шунингдек, шаҳримиздаги истироҳат боғлари қайтадан тўла реконструкция қилиниб, энг сўнгги русумдаги аттракционлар ўрнатилди.

Умуман олганда, бажарилаётган ишлар-ни халқимиз кўриб, қўллаб-қувватлаб ту-рибди. Бугун Наманган шаҳри кўчалари-да замонавий «ISUZU» автобусларидан 200 таси қатнаяпти. Аҳолига транспорт хиз-мати кўрсатиш даражаси тубдан яхшилан-гани янги босқичдаги ўзгаришларнинг дастлабки меваси сифатида кенг омма то-монидан эътироф этилмоқда.

Жамшид БЕК, «Маҳалла» мухбири.

ЎЗБЕКНИНГ УДУМЛАРИ

УЛУФ ҚАДРИЯТЛАР БУЮКЛИҚДАН НИШОНАДИР

ЎЗБЕКЛАР дунё тамаддунига салмоқли ҳисса қўшган халқлардан ҳисобланади. Жа-ҳон илм-фани, маданияти, давлатчилиги ри-вожини бизнинг заманимизга туғилиб, ка-молта етган буюк донишмандлар, алломалару давлат арбобларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Инсониятга кўпгина улғу зотларни етказиб берган халқимиз ҳеч бир бошқа миллатга ўхшамайдиган, тақдорланмас турмуш тарзи-га эга. Халқимизнинг бошқа халқларга ибрат қилиб кўрсатса арзигulik миллий урф-одат-лари, удумлари, анъаналари, қадриятлари, ихобий ҳаёт тарзи билан гуруланишимиз, уларни асраб-авайлаб, келгуси авлодларга ет-казишимиз бизнинг бурчимиз.

Ҳаётимизга сингиб кетган шундай одат-ларимиз борки, уларнинг замирида теран маъно муҳассас. Келинг, уларнинг бири ҳақида мулоҳаза юртайлик.

Бундан анча йиллар муқаддам Қашқа-дарё вилоятининг олис қишлоқларидан би-рига институтда бирга ўқиган дўстимизни йўқлаб бордик.

Дўстимиз бизни кўриб, гоят севиниб кет-ди. Бирпасда биз ўтирган уй — меҳмонхона одамга тўлди. Секин дўстимиздан «Булар ким?», «Бирор талбирингизнинг устига кел-дикми?», деб сўради. «Ҳе, йўқ, — деди уй эгаси. — Сизларнинг келганингизни эши-тиб кўни-қўшини, яқин биродарлар чиқш-ган. Бир иккитасини ўзим айттирганман. Қишлоққа четдан меҳмон келса ҳамма эши-тади. Айтмасам, уят булар. Мен ҳам уларни-кига меҳмон келганида борганман», дейди пинагини бузмай.

Дўстимизнинг меҳмонхонасида ярим кет-гача мириқиб гурун қилдик. Айниқса, қишлоқ одамларининг тўйлардаги курашу кўпқарилар, полвонлару чавандозлар ҳақидаги сўхбатлари мароқли эди.

Дастурхонга фотиҳа қилинганидан сўнг, меҳмонлардан бири гап бошлади. «Энди меҳ-монлар, бутун йўл юриб ҳориб келгансиз-лар, дам олингизлар. Эртага эрталаб бизни-кидан бир пиёла чай ичасизлар. Пешинга Эшшўлатникига ўтамиз, кечқурунга Тошў-лат муаллимниқига борамиз», деди ҳеч бир гапга урин қолдирмайдиган оҳангда.

Биз бир-биримизга ажабланиб қардик. Турри, шаҳардан узок қишлоқларимизда шу-нақа одалар борлигини билардик, эшип-гандик. Вақтимиз тизилганини айтиб, руҳ-сат сўрадик.



«Йўқ, — дейишди меҳмонлар қатъий. — Шунча йўлдан оғайнимизни сўроқлаб кела-сизилару, бир уйдан қайтсанглар уят бўлади. Эшитган кўлоққа яшамас. Бу бизнинг ша-ринимизга тўғри келмайди».

Хуллас, ўша қишлоқда икки-уч кун қолиб кетдик. Кимдир кўзи ё улоқ, кимдир товуқ-хўроз сўйиб меҳмон қилди. Ва ҳануз-ҳаном ўша меҳмондорчиликни, самимий гурун-ларни сониниб эслаймиз.

Бу халқимиз меҳмондўстлигининг ота-боболаримиздан бизгача сақланиб келаётган қурилишларидан биридир. Бу меҳмондўст-лик моҳиятида элимизнинг жуда кўп ижо-бий фазилатлари ётибди. Аввало, меҳмонни улуғлаш, унинг ҳурматини жойига қўйиш. Қўлаверса, «мана шундай меҳмондорчилигу сўхбатлар кўни-қўшнилари, яқин биродарлар ўртасида меҳр-оқибат ришталарини ҳам муста-ҳакамлайди.

Халқимизнинг ҳаёт тарзидаги яна бир му-ҳим жиҳатни таъкидлаб ўтишни истардик. Бу бир хонадонда оила аъзолари — бува, момо, ота-она, фарзандларнинг бирга яша-шидир. Бу кўпчилик бошқа халқларда учра-майдиган жуда ажойиб ҳолатдир. Еш оила, келин-куёв йигитнинг ота-онаси билан бир хонадонда яшайди. Бунинг яқини томонла-ри: ёшлар то ўзлари мустақил уй-жой қил-гунларича ота-она назоратида, маълум бир маънода қарамонда ҳам бўлашади. Еш келин-качка уй-рўзгор юмушларида, бола тар-биясида қайнасан кўмаклашади. Еш оила фарзандлари 5-6 ёшга етиб, алоҳида турар-жой қилиб, ота-онасидан мустақил яшашга изн сўраганларида, энди уларнинг ўзлари

ҳам анча улғайиб қолишган бўлишади. Ёшлар ота-оналари билан бирга яшаганларида тур-мушдаги қийинчиликлар, рўзгор ташвиш-ларини нисбатан енгил ўтказишади. Чунки оиврлик кўпроқ оила бошлиғи — ота зим-масига тушади. Бу эстафетайил гап. Ўз на-батидида, табиийки, йигит ҳам фарзандлари-га шундай имконият яратилади.

Ўзбеклардаги фарзанд учун қуйиб-ёниш, тиниб-тинчимаслик замирида гоят эзу мо-ҳият бор — бу келажак авлод тўғрисида ра-м-хўрлик қилиш, фарзандларнинг баркамол ин-сон бўлиб вояга етишини, фаровон яшаш-ни таъминлашга интилиш. Қани энди, дунё-даги барча ота-оналар мана шундай олийжа-но мақсад билан яшаса, меҳнат қилса. Ер юзи янада обод ва гўзал бўлмасмиди?!

Юқоридаги икки ҳолат, одаларимиз хал-қимизнинг ҳеч бир бошқа халқларга ўхша-майдиган, буюклигини кўрсатадиган эзу қад-риятларидандир. Кейинги пайтларда маълум бир маънода мана шундай асл ўзбекона қад-риятлар, турмуш тарзинингдан эзоқлашиб бо-раётганимиз, чамамда. Айниқса, шаҳарларда европача турмуш тарзига интилиш кучайи-пти сезилади. Турри, баъзи замонга мос бўлмаган эски удулларимиз ҳам бордир. Ле-кин дунё ҳавас қилса, ўрганса арзийдиган ажойиб қадриятларимиз мавжудки, биз улар-ни асраб-авайлаб, ривожлантириб, замона-вийлаштириб, келгуси авлодларга етказиши-миз зарур. Тарихни, ўтмишни асло унутиб бўлмайди. Ўзбеклар улғу халқ ва шубҳасиз, келажакимиз ҳам буюклир.

Абдужалол ТАЙПАТОВ, «Маҳалла» мухбири.

ОБУНА — 2010

АЗИЗ МУШТАРИЙ!

Маҳалла — ватан ичра кичик ватан. Унинг обод ва кўркамлиги, гўзаллиги юртимизнинг фаровонлиги ва тараққийтидан далолат.

«Маҳалла» газетаси шу «кичик ватан»нинг ҳаёти, қувончу ташвишлари, муаммоларини ўз саҳифаларида акс эттиради.

Тахририятимиз аъзолари «Маҳалла»ни аҳолимизнинг барча қатламлари, каттаю кичик севиб ўқийдиган газетига айлантириш учун астойдил изланмоқдалар.

Янги 2010 йилда газетамиз саҳифаларида ўзингизни қизиқтирган барча мавзуларни топасиз. У сизнинг яқин дўстингиз ва самимий ҳамроҳингизга айланиб қолишига ишонамиз.

Газетамиз йил давомида сизга ҳамфиқр ва маслаҳаттўғи бўлишини хоҳласангиз «Маҳалла»га обуна бўлинг!



Нашр кўрсаткичи — 148.

ҲАВАС ҚИЛСА АРЗИГУЛИК


ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ Косон туманидаги Пўлати қишлоғи Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили муносабати билан ташкил этилган «Энг яхши қишлоқ» республика кўрик-танловининг вилоят босқичида ғолиб, деб топилди.

Қишлоқ мусавфо ҳавоси, бетакрор табиати, шунингдек, замонавий кўриниши билан ажралиб турди. Соддафёёл, меҳмондўст қишлоқ одамлари тўй-маросимларини замонавий типда бунёд этилган тўйхоналарда ўтказишимиз, дея фахр билан эътироф этишади. Қишлоқ аҳолиси бир пайтлар йўлнинг дуч келган жойида автобус қутлишган бўлса, бугун барча қўлайликларга эга бекатларда қўтилади. Кенг ва раvon асфальт кўчалар, кўркам иморатлар, турли савдо дўконлари ва супермаркетларни айтмаймизми?! Машиини ва сервис хизмати кўрсатиш шохобчалари ишлаб турибди.

— Қишлоғимиз шаҳардан ҳеч ҳам қолишмайди, — дейди фуқаролардан бири Машхура Равшанова. — Ҳоҳлаган вақтда истаган нарсани савдо дўконларидан топа оламиз. Кечаси дейсизми, кундузи дейсизми, навбатчи дорихоналар, савдо дўконлари хизматимизда.

Қишлоқда «Энг яхши қишлоқ» республика кўрик-танлови мезонларидан келиб чиқиб, ижтимоий-маданий, таълимий ва спорт соҳаларида бир қатор ишлар амалга оширилаётганига гувоҳ бўлдик. Айниқса, Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили муносабати билан бу ерда кенг қўлама бунёдкорлик ишлари олиб борилаётган. Замонавий мактабу коллежларда қишлоқ ёшларининг чуқур билим олиши учун барча имкониятлар мавжуд. Худуддаги бешта мактаб давлат умумий таълим дастурига қўра қайтадан бунёд этилди, синфлари янги ўқув жиҳозлари, замонавий технологиялар билан таъминланди.

— Ўқувчиларимиз орасида республика фан олимпиадалари ғолиблари қўлағина. Спорт усталари ҳам етишиб чиқмоқда, — дейди мактаб директори Зайнид-



дин Шуқуров. — Бугун асосий эътиборни таълим сифатини оширишга қаратяёмиз.

Яқинда яна бир янги ахборот технологиялари коллежи қурилиб фойдаланишга топширилди. Коллежнинг кўркам, замонавий биноси қишлоқ кўркига кўрк қўшиб турибди. Бу ердаги имконият ва шарт-шароитлар ёшларнинг чуқур билим олишига, юксак марраларни забт этишига замин яратаятир. Айни вақтда, бу ерда 900 нафар ўқувчи тахсил олмақда.

Бир вақтлар қишлоқ кўрмисиз, туپроқли кўчалари чанг, ҳатто бирор-бир савдо дўкони ёки маънавий хизмат кўрсатиш шохобчаси ҳам йўқ эди. Аҳоли пойабзалини соғиниб, радио, телевизорини тузатиш учун 25 километр йўл босиб, туман марказига борарди. Бугун эса меҳмонга демаса, шаҳарга чиқишга ҳоҳат йўқ. Ҳар қандам таъмирлаш устaxonалари, саргарошхона — ҳаммаси муҳайё. Дид билан марказлаштирилган ҳолда қурилган савдо дўконлари, арзон ва сифатли, сарамақсулотларга бой тўкин бозор қишлоқ аҳолиси хизматига. Қишлоқнинг маркази таниб бўлмас даражада ўзгарди. Миллий меъморчилик услубида қурилган тўйхонаю савдо, хизмат кўрсатиш шохобчалари, замонавий бекатлар, оқшом-

лари чарогон кўчалар киши баҳри дилини очади. Беш минг ўринга мўлжалланган ўйингоҳда ёшлар спорт билан мунтазам шуғулланиб, чиниқияпти. Ўйингоҳ ёнида теннис корти, бокс ва бошқа спорт тўрақлари учун махсус хоналар қурилмоқда. Эътиборли жиҳати шуки, бу каби ишлар тadbиркорлар томонидан амалга ошириляпти. Улар бир-бирига ҳавас қилиб, янги замонавий уйлар, тўйхонаю супермаркетлар барпо этишляпти.

Бу қишлоқ фуқароларининг ақсарияти чорвачилик ҳамда деҳқончилик билан шуғулланади. Улар ўз даромадлари ҳисобидан замонавий кўринишдаги уйлар қуришляпти. Қишлоққа кўрк ва элга қўлайлик тadbиркорлар иморатлар барпо этишмоқда. Хусусан, тadbиркор Хусниддин Ҳайдаров 800 ўринли, ёнида меҳмонхона бор тўйхона қуриляпти. Бу бунёдкорлик туфайли 130 нафар киши иш билан таъминланди.

— Иш қиламан, деган одамга ҳозир ҳамма хайрихоҳ, — дейди қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Аҳмад Турақулов. — Бугун дўкон ёки замонавий тураржой бинолари қураман, дегувчилар сонини кўп. Уларга ҳукуматимиз томонидан ер майдони ҳамда кредитлар ажра-

тиб берилаётган.

— Қишлоқдаги ўзгаришларни кўриб, қанийди ёшариб қолсам, дейман, — дейди отахон Расул Хўжабердиев. — Битта катта меҳмонхона қурадим. Ёнида ҳамма хайри ишларни ёшлар ихтиёрига топширдик. Уларнинг ҳатти-ҳаракатини кўриб кўнглим фахр-ифтихорга тўлади.

Бугун қишлоқ хонадонларининг турмуш шароити ҳавас қилса арзигулик. Юксак дид билан қурилган ҳар бир хонадонда газ, сув, электр энергияси, ҳаммом, сауна каби барча қўлайликлар мавжуд. Яқинда қишлоқ врачлик пункти ҳамда янги ташхис маркази қурилиб фойдаланишга топширилди. Бу масканлар аҳоли саломатлигини тиклашда беминнат хизмат кўрсата бошлади.

Қишлоқда ўймақорлар номи билан аталувчи бир нечта кўча бор. Бу кўчаларда хўнамандлар талайгина. Уста Хўшмурод бобонинг устaxonасида миллий хўнамандчилик буюмлари тайёрланади. Қишлоқда «уста-шогирд» анъанаси йўлга қўйилган. Ёшлар касб-хўнари бўлиб, иш билан таъминланиб, миллий хўнамандчилик анъаналарини давом эттиришляпти.

Санобар БОЙМУРОДОВА, «Mahalla» мухбири.



Республикаимиз маҳаллаларида

БУЛОҚБОШИЛИКЛАР ЗАҒАРИ

ШУ КУНЛАРДА Андижон вилоятида 2009 йилги пахта ҳосилини йиғиштириб олиш ишлари қизгин давом этмоқда. Давлатта 11 минг тоннадан зиёд «оқ олтин» етказиб берган Булоқбоши тумани пахтакорлари вилоятда биринчилардан бўлиб шартнома режасини бажардилар. 3425 гектар ер майдонининг ҳар гектаридан ўртача 32 центнердан пахта йиғиштириб

олинди. «Куллагик Абдулвоҳид», «Саховатли Остона», «Иқбол Тўхтабоев», «Ҳабиб-Фарҳод» фермер хўжаликлари ҳар гектаридан 35-40 центнердан хирмон кўтариб, туманининг шартнома режасини удралашига муносиб ҳисса қўшиди. **Узоқбой САКСОНБОВ,** «Mahalla» мухбири.

«ЭНГ ЯХШИ ҚИШЛОҚ»

«Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш, қишлоқларда намунавий лойиҳалар асосида замонавий тураржой бинолари, маданий-маиший объектларни бунёд этиш ва ободонлаштириш ишлари қўламини кенгайтириш мақсадида ўтказилаётган «Энг яхши қишлоқ» республика кўрик-танловининг Бухоро вилояти босқичи натижасига етди.

Вилоятдаги барча қишлоқлар иштирок этган танловда энг обод, кўркам,

бунёдкорлик борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилган Бухоро туманидаги Дехожи қишлоғи ғолиб, деб топилди.

Шунингдек, мазкур кўрик-танловнинг Андижон вилояти босқичи ҳам натижасига етди. Унда Пахтаобод туманидаги Маданият қишлоғи биринчи ўринни қўлга киритди.

Ғолиб қишлоқлар танловнинг республика босқичида иштирок этишади. **Мухаммадҷон МАХМУДОВ**

МАРКАЗ ЁШЛАР ИХТИЁРИДА

МАРФИЛОН шаҳрида ўқувчилар ижодиёт маркази фаолият кўрсата бошлади. Шаҳар ҳокимлиги, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг амалий ёрдами билан қад ростирилган мазкур марказ барча қўлайликларга эга.

— Муассаса замонавий жиҳозлар билан таъминланди, — дейди «Гураввал» маҳалласи оқсоқоли Мусожон Азизов. —

Яратилган бу имкониятлардан ёшларимиз унумли, мақсадли фойдаланяпти. Маҳалламизнинг юзга яқин ёшлари машғулотларга қатнашиб, хўнар ўрганишляпти.

Айни пайтда марказ қўшида мебеласозлик, дўппиччилик, зардўзлик, тикувчилик каби ўнга яқин тўтарак фаолият кўрсатяпти.

Мухаммадҷон МАХМУДОВ

ЭНГ ЯХШИ МАКТАБ

АНЪАНАВИЙ тарзда ўтказиб келинаётган «Йилнинг энг яхши ихтисослаштирилган мактаби» кўрик-танловининг республика босқичи якунланди. Шаҳар, туман, вилоят босқичларида биринчиликни қўлга киритган 14 та мактаб-интернат иштирок этган танловда Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз туманидаги I-ихтисослаштирилган мактаб-интернати ғолиб, деб

топилди.

— Танловда ғолиб чиқиш осон кечмади, — дейди муассаса директори Шарофиддин Зайниддинов. — Бунда ақил, тажрибали, эззоқ ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ҳиссаси катта бўлди. Бу ютуқ бизни янада шижоат билан ишлашга ундайди.

Санобар БОЙМУРОДОВА, «Mahalla» мухбири.

МЕНИНГ МАҲАЛЛАМ

БУНЁДКОРЛИК ИШҚИ МУЖАССАМ

ФАРҒОНА вилояти Риштон туманидаги «Хуррамобод» маҳалласи обод гўшалардан бирига айланиб бораётган. Ўтган тўрт йилда амалга оширилган бунёдкорлик ишлари туфайли бу маскан таниб бўлмас даражада ўзгарди. Маҳалла оқсоқоли С.Иноятов бошчилигидаги сай-ҳаракатлар худуднинг янада обод бўлишига катта ҳисса қўшди.

Шу давр ичида икки километр узунликдаги маҳалла кўчалари асфальт қилинди. Хонадонларнинг қарийб барчаси тоза ичимлик суви ҳамда уздуксиз электр энергияси билан таъминланди. Ҳашар уюштирилиб, замонавий типдаги гузар бунёд этилгани маҳалла аҳлига қўлайлик яратди. Чунки бу ерга тез-тез маҳалла мутасаддилари, фаоллар, нурунийлар йиғилиб, байрамлар, тўю маросимлар, худудда осойишталикни сақлаш, маҳаллани янада кўркам қилишдек хайрли ишлар хусусида кенгашиб туришади. Шунингдек, ёшларга кўпни кўрган отахону онахонлар иштирокида таълим-тарбия, одоб-ахлоқ, кийиниш, муомала маданияти каби инсоний қазилар ҳақида панду насихатлар бериб борилади. Ёшлар эртани кун эгалари, ворисларимиз. Уларни ота-онасига, Ватанга меҳр-муҳаббат руҳида камол топтириш ҳар бир ота-онанинг асосий вазифаларидан. Шу боис, болаларнинг дарсдан сўнг фойдали ишлар билан машғул бўлишини таъминлаб, кузатиб борилади.

Қишлоқдаги 29-мактаб маъмурияти билан мустаҳкам алоқа йўлга қўйилгани боис, бу борадаги сай-ҳаракатлар ўз самарасини бераётган. Ўзгача ўқувчиларга ҳар ойда 50 минг сўмдан стипендия ажратилаётгани уларни яхши ўқинишга рағбатлантиряпти. Бундан ташқари, ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш, маънавий соғлом муҳитни шакллантириш мақсадида спортнинг баскетбол, волейбол, футбол турига мўлжалланган ўйингоҳлар қурилди. Бу майдонларда болалар спорт билан шуғулланиб, чиниқияшляпти. Қишқи мавсумга тайёргарлик палласида маҳалла фаоллари, ўқитувчию ўқувчилар маслаҳатлашиб, мазкур таълим даргоҳи билимининг ошкони ва спорт залларининг томини ҳашар йўли билан таъмирлади.

Тadbиркор — элга малалдор, дейишади. Маҳаллада ишбилармон, уста-ду-

радгорлар талайгина. Уларнинг маҳалла аҳлига кўрсатаётган саховати, кўмаги тахсинга лойиқ. Назиржон Эргашев, Исмоилжон Орипов, Бегажон Бозоров, Сирожиддин Собиров, Саид Иброҳимов, Абдулла Қурбонов каби қўлигил усталар томонидан ясалган жиҳозлар хонадонларга фойз киритиш билан бирга ёшларнинг касб-корга, хўнарга қизиқишларини оширмоқда.

Эътиборлиси, «Маҳалла» жамғармасининг туман бўлими, маҳалла фаоллари, тadbиркорлар ташаббуси билан худуддаги кам таъминланган, ёрдамга муҳтож, кўп болали оилалар, фахрийлар, ёлғиз қариялар, ногиронларга меҳр-муруват ёрдамлари кўрсатиб келинаётган. Яқинда улар томонидан гўшала истиқомат қиладиган 93 ёшли ёлғиз қария Мирзабой Ҳамдамовга тўрт хонали, руҳий ногирон Машраб Мелибоевга эса икки хонали уй қуриб берилиди. Худудда амалга оширилаётган бундай хайрли, савобли ишларга Ашуралли Дадабоев, маҳалла маслаҳатчиси Муҳаббат Қорабоева, кўчабошилар Аҳмад Абдурахимов, Топиволди Тўхтабоев, Азим Ҳамроев, Ақбарали Мамажонов муносиб ҳисса қўшаётган.

Яқинда хуррамободликлар яна бир хайрли ишга қўл уришди. Маҳалла фаоллари ташаббуси билан ўн икки кишига мўлжалланган микроавтобус сотиб олинди. «Хуррамобод — Риштон» йўналиши бўйича транспорт қатнови йўлга қўйилди. Эндиликда йўналишда қатнайдиган микроавтобус аҳолига бепул хизмат кўрсатади.

Ҳамжиҳатликда ҳикмат кўп, дейишади доно халқимиз. Яратувчилик ҳисси билан яшаётган хуррамободликлар қишлоқ марказидаги хиёбонни қайтадан обод қилиди. Қишлоқ кўркига кўрк бағишлаган дам олиш маскани бугун ўзгача қиёфа касб этиб, қишлоқ аҳли, айниқса, болажонларнинг сеvimли масканига айланди.

Алишер СУЛТОНОВ
Фаргона вилояти Риштон туманидаги «Хуррамобод» маҳалласи.

ҚАРОР ВА ИЖРО

ТАҲДИД ҲАМЖИҲАТЛИКДА БАРТАРАФ ЭТИЛАДИ

Аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзи тарғиб этиш борасида мамлакатимизда олиб борилаётган чора-тadbирлар ўз самарасини бераётган. Бироқ осуда ҳаётимизга, оилалар тоғувлиги ва фарзандлар қолмоғига таҳдид солувчи хасталиклар, хусусан, ОИВ/ОИТС каби бедаво дардлар билан янада хушёр, сергаж бўлишни, фарзандларимизни унинг домидан асрашни талаб қилади. Бу хасталикка чалиниб, болаларидан, оиласидан жудо бўлаётган, ёш умрини бевақт хазон қилаётган ва оқибатда оламдан кўз юмаётган инсонларни кўриб, ўйга чўмасиз. Улар ОИТСнинг бедаво дард эканини билмасмиди? Ота-онаси, яқинлари, маҳалла-қўй уларни огоҳлантирганмиди? Билиб-билмай бу дардга чалинганлар ўз қилмишларидан, огоҳлантиришларга қўлоқ осмаганидан афсус чекиши тайин. Аммо сўнгги пушаймон наф бермайди.

ОИВ/ОИТСнинг салбий оқибатларидан маҳалла фаоллари, фуқаролар йиғинлари мутасаддилари яхши хабардор. Бугунги кунда улар аҳолини огоҳликка чақирдиша фаоллик кўрсатамоқда. Шу мақсадда давра суҳбатлари, амалий семинарлар, мутахассислар билан учрашувлар ташкил этиляпти. Жойларда хасталикнинг тарқалишига сабаб бўлган ҳамда жамиятимиз турмуш-тарзига хос бўлмаган ҳолатларни бартараф этиш бўйича чора-тadbирлар режаси ишлаб чиқилган. Унда аҳоли носоғлом турмуш кечиринининг ҳалокатли оқибатлари ҳақида етарли билимга, тушунчага эга бўлишга қаратилган барча чора-тadbирлар белгиланган. Шу асосда ҳар бир фуқаролар йиғинларида ОИТС профилактикаси масалалари бўйича тушултириш, тарғибот-ташвиқот ишлари олиб бориляпти.

Жорий йилнинг баҳорига «Маҳалла» хайрия жамғармаси республика бошқарувида жамғарманинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бўлиmlари ҳамда туман бўлиmlларидаги Оила ва хотин-қизлар йўналиши бўйича бош мутахассислар малакасини оширишга қаратилган ўқув-семинар ўтказилди.

Унда «ОИВ инфекцияси ва бошқа касалликлар тарқалишининг олдини олишда тарғибот-ташвиқот ишларининг самарадорлигини ошириш» мавзусида республика ОИТСга қарши кураш маркази бош мутахассисининг маърузаси тингланган эди. Маърузада таъкидланишича, аҳоли ўртасида репродуктив саломатлик ва соғлом оилани шакллантириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш ишларини кучайтириш учун семи-нарлар ўтказиш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 26 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасида ОИВ инфекцияси кўралишига қарши кураш самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тadbирлар тўғрисида»ги ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 5 январдаги «ОИТСга қарши кураш марказларининг ташкилий тузилмасини ва фаолиятини такомиллаштириш чора-тadbирлари тўғрисида»ги қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида «Маҳалла» хайрия жамғармаси республика бошқаруви томонидан махсус Раёсат қарори ва чора-тadbирлар дастури ишлаб чиқилган. Шунингдек, жойларда ОИВ инфекцияси тарқалишининг олдини олиш ишларини миллий қадрият ва анъаналаримизга таъянган ҳолда ташкил қилиш мақсадида турли оммабоп қўлланмалар нашр этиляпти.

Бундан ташқари ОИТС марказлари ва диагностика лабораторияларининг моддий-техника базасини яхшилашга ҳам алоҳида эътибор бериляпти. Жумладан, Самарқанд вилояти Иштихон тумани тиббиёт бирлашмаси таркибидagi туманлараро ОИТС диагностика лабораторияси учун янги бино ажратилиб, капитал таъмирлаш ишларига 75 миллион сўм сарфланиши белгиланган. Вилоят ОИТС маркази лабораторияси учун ажратилган 4 та

хона капитал таъмирдан чиқарилди.

Навоий вилоятидаги маҳалла фуқаролар йиғинларида ҳам тарғибот гуруҳлари ташкил этилган бўлиб, аҳоли ўртасида тарғибот-ташвиқот ишлари олиб боришмоқда. «Маҳалла» жамғармасининг вилоят бўлими томонидан тарғибот ишларини янада кучайтириш мақсадида «ОИВ инфекциясининг инсон организмидан ривожланиши», «Ҳомилалар аёлларда ОИВ» мавзуларида видеофильмлар жамғарманинг худудий бўлиmlлари ёрдамида маҳаллаларга тарқатилмоқда. «ОИВ инфекцияси профилактикаси бўйича ва инфекция юқиб хавфи юқори бўлган аҳоли гуруҳига инсбазан дикриминацияни юмшатишга доир маҳалла фаоллари учун ўқув модули» рисола-лари туман (шаҳар) бўлиmlларига бепул тарқатилди.

Қишлоқ туманлари аҳолисини, айниқса, узоқ ва экологик жиҳатдан ноқулай минтақаларда яшаётган аҳолини профилактик кўриқдан ўтказиш ҳамда уларнинг саломатлигини сақлаш, даволаш, чет элларга ноқонуний ишга кетишининг салбий оқибатлари бўйича маҳалла мутахассислар иштирокида тушултириш тadbирлари ташкил этилди.

Республика ОИТСга қарши кураш маркази томонидан тайёрланган «ОИВ инфекцияси ва бошқа касалликлар тарқалиши ва юқиб хавфи» мавзусидаги видеофильм дисклари қўлайтирилиб, «Маҳалла» жамғармасининг худудий бўлиml ва бўлиmlлари орқали республикадаги барча фуқаролар йиғинларига етказилди. Ўйлаймизки, бу каби чора-тadbирларнинг юзмин хасталикка қарши фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан олиб борилаётган ишлар қўламини янада кенгайтиришга хизмат қилади.

Ўқтам ХУДОЙҚУЛОВ,
«Mahalla» мухбири.

АҲОЛИ БАНДЛИГИ ТАЪМИНЛАНМОҚДА

— Мазкур ярмаркага жиддий тайёргарлик кўрилгани боис, яхши натижага эришилди, — дейди «Маҳалла» жамғармасининг вилоят бўлими бошқаруви раиси Муқом Ҳасанов. — Tadbir жараёнида вилоятда иш билан банд бўлмаган аҳоли, вояга етмаганлар, касб-хўнар коллежларининг битирувчилари, Қуролли Кучлар сафидан захирага бўшатишган ёшлар бандликка кўмаклашувчи худудий марказлар кўмада жами 1900 нафар фуқаро янги иш ўринларига эга бўдилар. Савдо-саноат палатаси, қишлоқ ва сув хўжалиги, «Хўнаманд» бошқармалари, вилоят электр тармоқлари очик акадиядорлик жамияти, Жиззах Давлат педагогика ва политехника институтлари, «ЎЗЭК-САЙД» қўшма корхонаси ва бошқа бир қатор йирик ташкилотлар қўллаб ёшлар билан шартнома тузиб, ишга қабул қилдилар. Вилоят солиқни сақлаш бошқармаси ўз тизимига бир йўлга 720 нафар касб-хўнар билим юртлари битирувчиларини ишга қабул қилиб олди.

Ўтказилган тadbирларда касб-хўнар билим юртлари битирувчилари, аёллар ва ёшлар, кам таъминланган оила аъзолари, тadbиркорликни ривожлантириш, иссиқхоналар ташкил этиш, озиқ-овқат ва но-оziқ-ovқат махсулотлари ишлаб чиқарувчи хўжалик субъектлари вакилларидан қарийб 310 нафари «Микрокредитбанкнинг вилоят бўлими кредит-сертификатларини қўлга киритди». «Йилнинг энг яхши касаначиси» номинацияси бўйича касаначилик иш ўринларини ташкил этган корхона, уйда фаолият юритаётган уста-хўнамандлар вилоят ҳокимлигининг совғалари билан тақдирланмоқда. 26 нафар кам таъминланган оила хотин-қизларига шаҳар ҳамда туман ҳокимликлар томонидан бепул тикув машиналари берилди. Бундай тadbирлар йил охиригача давом эттирилади.

Айни чоғда, вилоятда навбатдаги «Бўш иш ўринлари» меҳнат ярмаркасига қизгин ҳозирлик кўришмоқда. Вилоят меҳнат ва аҳолини ихтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармасидан берилган маълумотга кўра бўлажак ярмаркада 60 дан зиёд нуфузли корхонанинг иштироки режалаштирилган. Шунингдек, ушбу тadbирда шў йил ичида барпо этилиб, фаолиятини бошлаган корхоналарнинг ҳам қатнашини кўзда тутилган. Шундай қилиб, ушбу ярмарка орқали 3500 нафар вилоят фуқаролари ишга жойлаштирилади.

Абдували ҚАРШИЕВ,
«Mahalla» мухбири.

2009 йил — қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили

ЯНГИ ҚИШЛОҚ ХОНОБОДГА ЯНГИЧА КЎРК БЕРАДИ

Анджондан бориб, Қораларё устига қурилган кўприкдан ўтиб, гўзал Хонобод шаҳрига кираверишдаги далаларда бундан уч ойгина олдин бугун бошоқлари олтиндек товланиб турган эди, десак биров ишонмайди. Бу ерда бугун янги замонавий посёлка қад кўтариб, ўпан-кетпанларнинг диққатини ўзига тортоқда. Ҳозир янги уйларнинг анчаси битказилиб, кўчиб келган хонадон соҳиблари уй тўйларига тайёргарлик кўрмоқдалар.

— Давлат чегарасининг ҳимоя зонасида жойлашган 263 та хонадон ҳукуматимиз қарорига асосан янги, қулай уюштурулган кўчирилмоқда. — дейди Хонобод шаҳар ҳокими Абдуғафур Абдурахимов. — Шаҳар ҳокимлиги ана шу оилаларнинг янги участкаларга кўчишига ҳар тарафлама ёрдам бермоқда. Корхоналар, ташкилотларнинг жамоалари ҳашарлар уюштиришиб, бўлажак уйларнинг пойдеворларини кўтардилар. Давлатимиз ҳар бир оиллага товон пули тўлади. Арзон қурилиш материаллари билан таъминлади. Ҳозиргача янги маҳалланинг тўрт километрга яқин кўчаларига электр олиб кирилган. Бунинг учун учта трансформатор пункти қурилди, табиий газ олиб келинди, сув масаласи ҳал қилинмоқда. Кўчаларга шағал тўкилиб, асфальт ётқизишга тайёргарлик кўриломоқда.

Биз томи черепишасимон тунука билан ёпилган, эшик-ромлари ўрнатилиб, сувоқ ишлари олиб борилаётган икки қаватли уйга кириб кўрдик. Пенсияер Валижон Исоқов бош бўлган бу оила аъзолари биринчилардан бўлиб олти соғих янги участкада қурилиш ишларини бошлаб юборган экан. Валижон аканинг асли касби қурувчи бўлган бокс, ҳамма нарсани пухта ҳисоб-китоб қилиб чиқди. Катта йўл бўйидаги участка-

лар икки қаватли қилиб қурилиши керак эди. Фарзандлари Улугбек ва Ойбек қанот бўлиши, кўни-қўшилар, қариндош-уруғлар ёрдамга келдилар. Умр йўлдоши Эргашхон ая иссиқ нонлар ёпиб, ширин таомлар пишириб берди.

— Бизга янги жойларга кўчишни таклиф қилишганда, ростки, унча хоҳламаган эдик, — дейди Валижон ака. — Чунки мен салкам қирқ йил қурувчи бўлиб ишлаганман, бу ишнинг машаққатларини яхши билмаман. Аммо кейинчалик ташвишларимга ўрин қолмади. Аввало, эски уйимизга давлат томонидан ўн миллион сўмдан кўпроқ товон пули тўланди. Қолаверса, арзон нархда 10 тонна цемент, уч мингта пишиқ гишт, 1,5 тонна арматура, 80 дона шифер, уч кубометр ёғоч ва 18 квадрат метр ойна берилди.

Исоқовларнинг битаётган икки қаватли уй янги маҳаллага кўрк бўлиб тушмоқда. Етти хонадан иборат бу уйга қўшимча равишда ҳовлида яна икки хонали уй, замонавий ошхона қўриб битказилди. Қуни кеча Валижон ака ўз лойиҳаси асосида иккинчи қаватга олиб чиқадиган ёғоч зинапоянни битказди.

Миллий услубда яратилган бу зинапоядан катталар ҳам, кичик ёшдаги болалар ҳам бемалол юқорига чиқиб-тушади. Уй бекаси Эргашхон аянинг гапига қараганда, шаҳар марказидан эски уйларгача уч-тўрт километр бўлиб, машинада борилад экан. Энди эса, янги маҳалла шаҳарга туташиб турибди. Рўпараларида деҳқон бозори, магазинлар, Андижонга борадиган машиналар тўхтайдиган бекат. Янги уйда шаҳар уйларидики каби қулайликлар бўлади.

Биргина Исоқовлар эмас, балки катта йўл бўйидаги 63 та оиланинг ҳаммаси шаҳар кўрқига кўрк қўшадиган ҳам замона-

вий, ҳам миллий услубдаги икки қаватли уйларни барпо этмоқдалар. Буларнинг ортидаги бир қаватли уйларнинг ҳам кўпи битиб қолди. Шифокорлар Мусалिम Мама-собиров ва Соҳибхон Юсуповлар ўз оилалари билан янги уйлarga кўчиб киришди. Аввалги шаҳар марказидан анча олисдаги уйларига қараганда янги уйлар уларга жуда ҳам маъқул бўлди. Чунки ишга ҳам, бозорга ҳам, шаҳарда жойлашган ташкилотларга ҳам машинага чиқиб юрмай, энди шундоқ гуллар очилиб турган хиебонлар орабалаб ўтиб қўя қолишди.

— Албатта, ҳамма ҳам қурилиш ишларини бир маромда олиб бориш имкониятига эга эмас, — дейди шаҳар ҳокимлиги қурилиш бўлимининг мутахассиси Қамбарали Ҳамрожонов. — Шунинг учун ҳам, орқда қолаётган оилаларга ҳашар уюштирилиб, транспорт ташкил қилиб, ёрдам беряймиз. Қурилиш ишларини кечаю кундуз олиб бориш учун прожекторлар ўрнатилган. Янги маҳалладаги ишларнинг боришини назорат қилиб турувчи штаб йиғилишларида вилоят ҳокимининг ўринбосарлари, шаҳар ҳокимлигининг вакиллари, мутасадди ташкилотларнинг раҳбарлари иштирок этиб, муаммоларнинг ўз вақтида бартараф қилинишига эришилмоқда.

— Хонобод—Анджон йўлидан машиналар «пиз-пиз» этиб ўтиб турибди. Шаҳар билан ёнма-ён бўлиб этилаётган янги маҳалланинг уйлари жадал суратлар билан қад ростламоқда. Бу уйлари тиклаётган фуқаролар ўз маҳаллаларига ном ҳам топиб қўйдилар: янги қишлоқ — «Мустақилликнинг 18 йиллиги», деб аталди.

Узқобой САКСОНБОВ,
«Mahalla» мухбири.

ЯНГИ РУКН: БУГУНГИ ЁШЛАР



© фото-Носир Хайдаров

ОЗОД ЮРТНИНГ НАВҚИРОН АВЛОДЛАРИ

Дунёда турфа хил муаммолар бисёр. Иқтисодий инқироз, ишсизлик, одам савдоси, этник гуруҳлар ўртасидаги тўқнашувлар, турли юқумли касалликлар ва ҳоказо. Улар орасида ёшлар масаласи, баркамол авлодни тарбиялаш бугунги кунда жаҳондаги кўпгина мамлакатларда энг глобал муаммолардан бирига айланиб бормоқда. Масалан, Европанинг қатор мамлакатлари аҳолиси «кексалик» сари юз тутган бўлса, Жанубий Осиё минтақасидаги айрим мамлакатлар аҳолиси кўпайиб кетаётганлигидан азият чекмоқда.

Ушбу муаммоларни бартараф этиш, олдини олиш учун барча давлатларда у ёки бу даражада чора-тадбирлар ишлаб чиқилипти, жаҳон жамоатчилиги, олимлар, тадқиқотчилар турли тақдирларни ўртага ташламоқда.

Шуқри, мамлакатимизда мустақилликнинг илк йилларидаёқ бу борадаги ишларга кенг миқёсда алоҳида эътибор бериб келинаётганлиги туфайли юртимиз ёшлари ҳаётида катта юқалишларга эришилди. Зотан, Ўзбекистон халқ ордени — «Соғлом авлод учун», дея ном олганда ҳам айнан баркамол авлод эртасига эътибор мужассам эди ва бу ёлқин бугун ҳаётимизнинг барча бўғинларида ўз самарасини бермоқда. Зотан, юртимизда қайси бир ташкилотни ёки корхонани олманг, албатта, у ердаги ишларнинг тўғри ташкил этилишида ёшларнинг ўрни беқис.

Республикамиз аҳолисининг 64 фоиздан ортигини ёшлар ташкил этади. Маълумотларга қараганда, мамлакатимизда ўтказилаётган тадбирларнинг 80 фоизи ёшлар ҳаётига, баркамол авлод тарбиясига қаратилган. Утган йиллар мобайнида республикамизнинг турли маҳаллаларидан бир гуруҳ фаол ўқувчи-лар, кам таъминланган оила фарзандла-

ри ҳисобланган қирқ беш минг нафарга яқин ёшларнинг тарихий қадамжоларга беиул саёхатлари ташкил этилди. Шунингдек, юртимизда 165 та янги спорт майдончалари ёшлар ихтиёрига топширилди, мавжудлари эса қайта таъмирланди.

Мамлакатимизда дахлдор ташкилотлар ҳамкорлигида «Бунёдкор» ёшлар меҳнат отрядлари лойиҳаси амалга оширилиб келинмоқда. Жорий йил мобайнида ақлолларда йигирма беш мингдан кўпроқ ёшлар ва талабалардан иборат мингдан ортиқ меҳнат отрядлари шакллантирилди.

Ёш тадбиркорларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш ва уларни имтиёзли микрокредит маблағлари билан таъминлашга қўмақлашчи юртимизда олиб борилаётган ёшлар сўбатининг устувор ва зифатларидан бири. Шу мақсадда «Ёш тадбиркор элга мадақдор» лойиҳаси амалга оширилиб келинмоқда. Бу йўналишда ўтказилган таълимнинг Республика босқичида иштирок этган 75 нафар ёш тадбиркордан 28 нафари ғолиб, деб топилди ва «Микрокредитбанк» томонидан кредитлар ажратилиши юзасидан тавсия берилди. Жойлардаги 1700 нафар ёшларнинг 630 нафарига 1 миллиард 600 минг сўм миқдорига маблағ ажратилди.

Шунингдек, ишсиз ёшларга иш ўринлари яратиб тасалласида республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва тегишли ташкилотлар ҳамкорлигида ўтган йил давомида 942 марта бўш иш ўринлари ярамалари ўтказилиб, 98500 нафар ёшлар иш билан таъминланди.

Рақамлар ҳақиқатни сўзлайди, дейишди. Шу маънода юқоридики далиллардан ҳам кўриниб турибдики, юртимизда ёшлар масаласи давлат аҳамиятига молик вазифа.

Яна бир гап. Мамлакатимизда жорий

этилган уч босқичли спорт тизими — «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва «Универсиада» спорт ўйинлари қаторига маҳаллалар доирасида ташкил этилаётган «Футболимиз келажаги» ва «Маҳалламиз паҳлавонлари» спорт мусобақалари ҳам қўшилдики, бу мусобақалар соғлом авлод тарбиясида муҳим восита бўлиб эҳтиёт қилиниши билан бирга, халқаро спорт мусобақаларида Ватан шарафини юксакка кўтарадиган етуқ спортчиларнинг камол топишига замин яратмоқда.

Бундан йигирма йиллар бурун бир мактаб ёки маҳалладан икки-учтагина бола спорт билан шуғулланарди. Ҳатто юртимизда шундай мактанлар ҳам бор эдики, катталари туғул ёшлари ҳам спорт мусобақалари нимаю, унинг ўтказилиши тартиб қандайлигини ҳам билишмасди. Бугун эса, Универсиада, Олимпиада, Осиё ўйинлари нима, деб истаган юрtdошимиздан сўранг, «Шуни ҳам билмаймизми, ўзимизнинг Мухаммадқодирлар Олимпиадаю Осиё ўйинларида, Абдулларимиз талабалар ўртасидаги Универсиада мусобақаларини ҳал этиб турганида Сурхон ялловларидики чўпон бобо «Ўзимизнинг ёшларимизда», дея гурунрланиб, интернетга хабар ёза ҳечам ҳайратланмаймиз.

Бугун биз билмаган нарсаларни ёшлар билади. Инглиз, испан тилларида бийрон гапашаётган нақирон авлод вакиллари кўриб олдинлари ҳайратланарди. Энди эса бу олағий ҳолага айланган. Эртага дунёнинг энг юксак минбарларида туриб, ўзбек фарзандлари жаҳоннинг глобал масалаларини ҳал этиб турганида Сурхон ялловларидики чўпон бобо «Ўзимизнинг ёшларимизда», дея гурунрланиб, интернетга хабар ёза ҳечам ҳайратланмаймиз.

Ноҳир СУБХОНОВ,
Тўлқин РЎЗИЕВ.

«ҚИЁТ»НИНГ ҚИЁФАСИ

Кундан-кун чирой очаетир

Мамлакатимиз истиқлолга эришгандан сўнг ҳар бир йилнинг эзгу мақсадлар йўлида рамзий номланиши аянгага айланган. Бу борадаги хайрли ишлар бугун ҳам изчил давом эттириляётир. Чунончи, 2009 йил Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили деб номланиб, эзгу мақсадларимизнинг мантқий давоми сифатида қишлоқларни ободонлаштириш ва аҳолининг турмуши фаровонлигини тубдан яхшилашга қаратилди. Давлат дастури доирасида кенг қўламини ишлар амалга оширилиб, улкан қурилишлар, бунёдкорлик ишлари жадал олиб бориляётир. Айниқса, чекка қишлоқларнинг тобора чирой очиб бораётгани кўзни қувонтиради.

Жумладан, «Қиёт» қишлоғи Бекобод туманининг энг обод гўшаларидан бирига айланаётгани фикримизга бир далиллар. Қишлоқ фуқаролар йиғинида 10 минг нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Худудда ўнлаб маданий-маиший, савдо ва тиббиёт шохобчалари аҳолига хизмат кўрсатиб келаётир. Қишлоқ болалари 4 та замонавий бинога эга бўлган болалар боғчасида ва 5 та умумтаълим мактабида таълим-тарбия олмақда. Жорий йилда бу муассасалар

капитал таъмирланиб, замонавий ўқув жиҳозлари билан таъминланди. Айни пайтда қишлоғимиз фаоллари ташаббус билан хонадонларни газлаштириш ишлари бошлаб юборилди. Бу борада уларга «Ўзтрансгаз» давлат акциядорлик компанияси ходимлари катта ёрдам кўрсатаётир. Лойиҳа бўйича белгиланган 12 километр узунликда юқори босимли газ қувури тортиш ишлари давом этапти. Газ қувурларини тортиш ишлари «Нафгамаҳсукурилош» ОАЖнинг Зокир Бобохонов раҳбарлигида «Махсусгазтаъмир» филиали ходимлари томонидан амалга оширилмоқда. Қувонарлиси, «Ўзтрансгаз» ДАК раҳбариятининг ташаббуси билан худуддаги 47-48-умумтаълим мактабларига ва 19-, 20-мактабгача таълим муассасаларига қўшимча равишда икки километр узунликдаги газ қувури тортилди.

— Жорий йилда қишлоғимизда бир қанча хайрли ишларга қўл урилмоқда, — дейди «Қиёт» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Абдумавлон Назарқулов. — Маҳаллалар фаоллари ташаббуси билан кўчалар ободонлаштирилди. Ҳомий ва тадбиркорларнинг ҳиммати эвазига кўчаларга асфальт ётқизилди. Якка тартибда

уй-жой қуриш ишлари жонланиб, йил давомида ҳамқишлоқларимиз 40 дан ортиқ замонавий типдаги уйлarga эга бўлишди. «Ачамайли» маҳалласидаги фаол тадбиркорлардан Мирзали Эргашевнинг ташаббуси билан қарийб икки миллион сўм ажратиб, яроқсиз ҳолга келиб қолган сув қудуги таъмирланди ва аҳолининг тоза ичимлик суви билан таъминлаш йўлга қўйилди.

Янги ўқув йили арафасида қиётлик ёшлар учун қишлоқ худудига 615 ўринли атросервис ва иқтисодий касб-ҳунар коллежи қурилиб, фойдаланишига топширилди. Эндиликда қишлоқ ёшлари замонавий ўқув дастгоҳлари билан жиҳозланган янги ва кўркам бинода ўқиш билан бирга касб-ҳунар ўрганиш имкониятига эга бўлилар.

Ҳа, кундан-кунга фаровонлашиб бораётган қишлоқда жорий йилда амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишлари туфайли аҳолининг озулари рўбга чиқаетир. Қиётликлар Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида ўзлари учун кенг имкониятлар яратиб берилганидан мамнун.

Қаримқул МАВЛОНОВ,
Юсуф ЭРГАШЕВ.

КОМИССИЯ ИШИ

ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР СОЯГА ЭРГАШМАСИН

Хар қайси хонадондаги вазиятни ойнадек акс эттирадиган маҳаллада бу биринчи даражадаги вазифа бўлмоғи лозим

— Нега ҳадеб менинг боламни тергайверасиз? Нима, унинг кўралайми-сизми? — маҳалладаги аёлнинг бу дашномидан Гулистон шаҳридаги «Сайқал» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Холдор ака Солиев таажжубга тушди. Бироз жим турди-да, кейин аёлга юзланди.

— Келин, мен сизнинг болангини ёмон бўлсин деб эмас, яхши, одолиб, келажақда етуқ инсон бўлсин, деб тергайман. Билсангиз, болангининг келажagini ўйлаб гапиряман. Қолаверса, шу маҳалланинг оқсоқоли сифатида бу менинг вазифамга ҳам кирди.

Маҳалла оқсоқоли Холдор ака тўғри гапни айтгани. Аёл буни тезда англаб, ундан кечирим сўради. Ҳақиқатан ҳам унинг ўли сўнги пайтларда бироз худуддан олиб қолганди. Даласига айтмай деса, ўглини жазолашадиган чўчирди, айтмай деса, боланнинг бебошлиги кундан кунга охиб борарди.

— Кечирасиз раис бобо, сизни тушунмабман. Сиздан илтимос, бу ҳақда даласига айтиб, у кишини мулазим қилиб юрманг. Ўзим даласига ётиги билан тушунтириб, ўғлимизни тартибга оламиз, — деди аёл бошини эгиб.

Халқимиз: «Бир болага етти маҳалла ота-она», деган гапни хўп топиб айтганда. Бу ҳикмат замирида бир олам маъно бор. Мухтарам Юртбошимиз «Юксак маънавият — енгилмас куч» асарида: «Биз ҳар қайси хонадон, бутун эл-юртимиздаги маънавий иқлим ва вазиятни англамоқчи бўлсак, бу борада ҳақиқий манзаранинг ёрқин ифодасини аввало маҳалла ҳаётида худди ойнадек яққол кўриш имкониятига эга бўламиз», дея маҳалланинг, маҳалла раислари ва фаолларининг фаолиятига юксак баҳо берганлар.

Вояга етмаган болалар билан ишлашда нафақат ҳуқуқ-тартибот идоралари, балки жамоатчилик олдидан ҳам катта вазифалар турибди. Вилоятда вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 21 сентябрдаги «Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини тасомиллаштириш тўғрисида»ги қарори асосида вилоятдаги 3003 та мактаб, 190 та мактабгача таълим муассасаси, 24 та мактабдан ташқари таълим муассасаси, 3 та махсус интернат ва 1 та «Меҳрибонлик уйи», 48 та ўрта махсус касб-ҳунар коллежи, 4 та академик лицейида ички иш олиб бориляпти.

Комиссия томонидан вояга етмаган болаларнинг бекор қолмаслигини таъминлаш мақсадида 2008-2009 ўқув йилида 9-синфин

битирган 13835 нафар ўқувчининг академик лицей ва коллежларда ўқишини давом эттириш назоратга олинди. Шу билан бирга, мактаб, коллеж ва лицейларда ҳамда маҳаллаларда турли хил тўғарақларнинг фаолият кўрсатиши, спорт мусобақалари, кўрик-танловлар, мусобақа ва қизиқарли тадбирларнинг ўтказилишига эришилмоқда.

Ёшларнинг бандлигини таъминлаш ҳам вояга етмаганлар билан ишлаш комиссиясининг диққат марказида турибди. Иш билан таъминлангани сўраб комиссияга мурожаат қилган 30 нафар ўсмирнинг 24 нафари амалдаги йилнинг 9 ойи мобайнида иш билан таъминланди. Шу билан бирга, вилоятда ҳозирга қадар вояга етмаган ўсмирларни иш билан таъминлаш мақсадида 2890 та квоталанган иш ўринлари ташкил этишга эришилди.

Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия имконияти чекланган, жисмоний жиҳатдан ожиз, ноирон болаларнинг таълим олиши, моддий ва маънавий жиҳатдан қўлаб-қуватланиши ва ижтимоий ҳимоясига ҳам жиддий муносабатда бўлмоқда. «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури доирасида вилоятда жисмоний ривожланишида нуқсонли бўлган ҳамда ижтимоий ва ҳуқуқий ёрдамга муҳтож бўлган болаларни ҳимоялаш, ноиронликнинг олдини олиш, таълим бериш, соғли-

ғини сақлаш борасида олиб борилаётган ишлар ҳам эътиборга молик.

Жорий йилнинг шу даврига қадар 3886 нафар ўсмир диспансер қўриғидан ўтказилди. Шунинг 3294 нафари мактаб ёшидаги ноирон ўсмир бўлиб, уларнинг 2742 нафари умумтаълим мактабларида ўқиса, 299 нафари якка тартибда, 183 нафари махсус интернатларда таълим олишмоқда. Таълим муассасаларидаги барча ноирон болаларга ўқув қуроллари берилиб, улар тиббиёт муассасаларининг тавсиясига кўра, беиул дори-дармонлар билан таъминланиб турилибди. Ноиронлик аравачаларига муҳтож бўлганларнинг 11 нафарига вояга етмаганлар аравачаси, 5 нафарига қўлтиқ таёқ, 6 нафарига аппарат ва 33 нафарига протез-ортопедия жиҳозлари етказиб берилди.

Болалар тарбиясида ҳамкорликда амалга ошириляётган ишлар ҳам катта самара бермоқда. Уларни ноҳўя ҳаракатлардан қайтариш, жиноятчилик, ҳуқуқбузарлик кўчасига кириб қолишининг олдини олиш, гийҳандилар, диний экстремистлар ва миссионерлар тасвирига тушиб қолмаслиги учун ҳуқуқ-тартибот идоралари, соғлиқни сақлаш, таълим муассасалари билан биргаликда «Маҳалла» жамғармаси ҳам маънавий-маърифий тадбирларда фаол иштирок этмоқда. Ёшлар билан «Ўз уйингни ўзинг асра», «Жиноятчиликнинг

олдини олишда маҳалланинг ўрни», «Сиз қонунни биласизми?», «Маҳаллангиз тарихини биласизми?», «Огоҳлик — давр талаби», «Гийҳандиллик иллат», «ОИТС — аср вабоси», «Одам савдоси — олам ғавроси», «Наврўз байрами — бизнинг байрами», «Уч авлод учрашуви», «Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир», «Хушёрлик ва сергаклик давр талаби», «Ватанин севмоқ имондандир», «Юксак маънавият — енгилмас куч», «Соғлом она — соғлом бола — соғлом келажақ» каби мавзуларда сўбатлар ўтказилмоқда.

— Биласизми, агар болаларимиз билди-билмай жиноят содир қилиб қўйса, аввало ота-онанинг, кейинчалик бугун маҳалла аҳлининг боши эгилади. Бундан жамият қанчалик зиён кўради. Шундай ҳодисаларнинг олдини олиш мақсадида ҳар бир вояга етмаган болани ўз назоратимизга олишимиз шарт.

...Маҳалла оқсоқолининг гаплари аёлга қаттиқ таъсир қилди. У бошини ҳам қилганича, оқсоқола нотўғри гапиргани учун қайта-қайта уэр сўради.

Гулможон АБСАЛАМОВ,
Сирдарё вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия масъул котиби.
Тошқўлат ҲАЙИТБОВ,
«Mahalla» мухбири.

КЎРГАЗМА

НАМУНАВИЙ ЛОЙИҲАДАГИ УЙЛАР

ЧИРЧИҚ шаҳрида қишлоқ аҳолиси учун якка тартибдаги уй-жойларнинг лойиҳалари ва қурилиш материалларининг ихтисослаштирилган кўرғазмаси очилди.

«Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури ихроси юзасидан Тошкент вилотида ҳам кенг қўламли ишлар олиб бориломоқда.

Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган, қишлоқ қурилиш индустриясида муҳим аҳамият касб этувчи мазкур кўрғазмада худуддаги қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи корхоналар, архитекторлар, лойиҳачилар, улгуржи-чакана савдо компаниялари, жамоатчилик вакиллари иштирок этмоқда.

Айни пайтда Тошкент вилотида Янгийўл туманининг А.Ортиқов номидаги қишлоқ фуқаролар йиғини «Дўстлик» маҳалласида, Чиноз туманининг «Туркистон» қишлоқ фуқаролар йиғини Т.Эрназаров номидаги маҳалласида ҳамда Бука туманининг «Чигатой» қишлоқ фуқаролар йиғини Жағайбойли маҳалласи худудларида намунавий лойиҳа асосида жами 60 та уй-жойлар қурилди.

Мухбиримиз

ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИДА

ОҚСОҚОЛЛАР ИҚТИСОДНИ БИЛАДИМИ?

Яқинда шахримиздаги маҳалла фуқаролар йиғинларидан бирининг раиси билан суҳбатлашиб қолдик. — Худудингизда қанча хонадон, оила ва аҳоли яшашини биласизми?

— Билганда қандоқ. — Жон бошига қанча озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмол қилиниши, бу миқдор оёйга қанча бўлишини тахлил этиб кўрганмисиз? Вақтинчалик ишсиз юрганлар ва кам таъминланганларни ижтимоий муҳофаза қилиш харажатларига сарфланаётган маблағ ҳусусида нима дедиласиз?

Оқсоқол қўйналиб бўлса-да, айрим маълумотларни санаб ўтди. Фаолияти жараёни билан боғлиқ юқоридаги каби оддий саволларга баъзи раислар аниқ жавоб бера олмагани мумкин. Негаки, улар аксарият ҳолларда оилавий келишмовчиликларни ҳал этиш, тўй-маросимларга бош-қош бўлиш каби ишлар билан банд бўлишади. Иқтисодий тахлил учун эса, кам вақт ажратилади. Ваҳоланки, зиммасига маҳаллага раҳбарлик қилиш масъулияти юклатилган нафақат иқтисодни библиши, тадбирлар ва ишбилармон, зукко сийсатчи сифатида ўзларини кўрсата олишини, ҳатто ҳуқуқшуносликдан ҳам хабардор бўлишлари лозимлигини давр тақозо этмоқда.

Агар масалага ана шу жиҳатдан ёндашилган бўлса, Шайхонтоҳур туманидаги М.Уйғур номидаги маҳаллада истиқомат қилаётган 4570 нафар аҳоли Абдусамат Эшмухаммедовни ўзларига оқсоқол этиб сайлашганда адашмаганликларини эътироф этишади. Оқсоқол дастлаб фаолиятини ҳар бир хонадонига кириб, яқиндан танишишдан бошлади. Шундан сўнг, оилаларда яшовчилар феъл-атвори, ким қаерда, нима иш билан банд, оилаларнинг даромади-ю сарфлари, ўзгалар парваршига, кўмагига муҳтожлар қанча, ҳуллас, барча ижтимоий-иқтисодий масалалар оқсоқол назаридан четда қолмагани.

Эл ишончи улкан масъулият юклайди. Шу боис, оқсоқол имконияти бор, ишбилармон кишилардан беш-олти нафарини тўплаб, кичик ишлаб чиқариш корхоналари барпо этишда жонбозлик кўрсатиши. Ҳукуматимизнинг касаначиликни ривожлантириш орқали фаровонликни таъминлашга қаратилган қарори М.Уйғур номидаги маҳалла аҳли имкониятини ҳам кенгайтиришда муҳим омил бўлди.

— Оқсоқол бошчилигида тадбиркорларнинг бизнес-режалари ўрганиб чиқилиб, уларга банклардан кредитлар олишга кўмаклашилди, — дейди хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси раиси

ёрдамчиси Матлуба Ҳидоятова. — Сидқидилдан киришилса, ишлар ҳам рисоладагидек юзага чиқади. 4570 нафар маҳалладошлардан 2407 нафари хотин-қизлар. Уларнинг аксарияти хонадон бекалари. Айни пайтда, 20 тага яқин хонадонда касаначиликка йўналтирилган кичик корхоналар барпо этилган бўлиб, хотин-қизлар фойдали меҳнат билан таъминланган: болалар кийимлари, рўзғор-бўб буюмлар шогирдларимиз кўлида сайқал топяпти. Дастлаб уларни ҳунармастларга ўргатиш, юмушларни шакллантириш бир оз муаммо туғдирганди. Бироқ «уста-шогирд» аънаъни асосида уларни қайта ихтисослаштиридик, бу ишга мутахассисларни жалб этиб ўқитдик. Шунингдек, асосий эътибор кам таъминланган ва кўп болали оилаларга ҳамда ногиронларга қаратилди. 90 нафарга яқин киши давлат томонидан яратиб берилаётган имконият туфайли касаначилик фаолиятини йўлга қўйди. Бу саъй-ҳаракатлар ўз-ўзини маблағ билан таъминлаб, хонадон даромадига барака қўшаётди.

Пойтахтимизда маҳаллалар жуда кўп. Лекин айнан М.Уйғур номидаги маҳалла ҳақида сўз юритаётганимизнинг боиси бор. Маҳалла аҳлининг оқсоқол атрофида жипслашиб, ҳамкорликда иш юритиши натижасида бу маскан шаҳардаги намунали худудлардан бирига айланди. Ўтган давр мобайнида аҳоли ўртасида турли жиноят, оилавий жанжал ва ажрашишлар, ишсизлар, турли оқимларга мойиллиги бўлганлар қайд этилмади. Маҳалла фаолларидан Эркин Қўлмухамедов, Тоҳир Назаржонов, Шавкат Музроббеков, Абдуқодир Саматов бошчилигида оилалар рўзгор тутиш, аҳил-иноқ, тоғув ҳаёт кечириб борасидаги тажрибалари оммалаштирилди. Йиғинда тез-тез учрашувлар ўтказилапти. Худуддаги иккита мактаб мутасаддилари ҳамда маҳалла ўрашувларнинг уюштирилиши ҳам аънаънага айланган. Равайн Набиев, Абдурашул Ҳусанов, Вақил Ҳошимов, Ойбек Абдураҳмонов сингари ишбилармонлар ногирон ва кам таъминланган оилалар аҳолидан хабардор бўлиб туриш билан бирга, маҳаллада уюштирилаётган тадбирларда ҳамкорлик қилишади.

Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ, журналист.

ШАҲАРДАН БОШЛАНГАН ОБОДЛИК

БУГУН ҚИШЛОҚЛАРДАГИ УЙ-ЖОЙЛАР ВА ЗАМОНАВИЙ ГУЗАРЛАРДА ЎЗ АКСИНИ ТОПМОҚДА

Дўстлик туманининг ҳозирги ўрни бир вақтлар чўл-биёбон бўлган, деса кўпчилик ишонмайди. Мен туманининг ташкил топганидан буён шу ерда яшаб, ишлаб келаман. Мирзачўлни ўзлаштириш орзусида бўлган кечаги ёшлар бугун олтидан охирига етишди. Ҳозир Дўстлик Жазоҳ вилоятидаги энг олди туманлардан бирига айланган.

Туманга Дўстлик деб ном берилишига сабаб, бу ерда мамлакатимизнинг турли гушларидан келган қирқдан ортиқ миллат ва элват вакиллари бир тану бир жон бўлиб меҳнат қилишмоқда. Энг муҳими, юртимизда амалга оширилаётган ислохотлар туфайли туман аҳолисининг турмуш фаровонлиги ортди.

Асосан қишлоқ ҳўжалигига ихтисослашган туманда пахтачилик кенг ривожланган. Чорвачиликдаги муваффақиятлар натижасида қўшни туманларнинг ҳам ушбу соҳа маҳсулотларига бўлган талаби қондирилмоқда. Сабзавот ва полиз маҳсулотлари етиштириш борасидаги деҳқонларнинг бой тажрибаси ҳозир вилоятда кенг қўлланиб келинапти. Бугунги кунга келиб туманда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш суръати кескин кўтарилди ва у ўтган тўққиз ой мобайнида қариб ўн миллиардни ташкил этди. Бу

кўрсаткич ўтган йилга нисбатан 1,3 бараварга ўсганлигидан далolat. Ишлаб чиқарилган ялпи маҳсулотнинг 80 фоизи нодавлат сектори улугига тўғри келади.

Ҳукуматимизнинг қишлоқлар қиёфасини тубдан ўзгартириш ҳамда уй-жойлар ва ижтимоий соҳа объектларини намунавий лойиҳалар асосида барпо қилиш масаласига эътибор қаратгани айни мўладо бўлди. Жорий Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида қишлоқ қурилиш қўламини ошириш мақсадида замонавий ва кўркам иншоотлар қурилиши кўзда тутилган. Унда мамлакатнинг 100 дан ортиқ корхона ва ташкилотларининг иштирок этиши кишини қувонтиради.

Айни чоғда туманимизда уй-жойлар қурилиши учун лойиҳа ҳужжатлари тайёрланиб, уларни амалиётга жорий қилиш устида иш олиб бориламоқда. Яқин вақт ичида туманимиз қишлоқларида ана шундай намунавий уй-жойларнинг қурилиши шартли равишда, уларда фуқароларимизнинг бахтли ҳаёт кечирishiлари аниқ. Бунинг учун ҳамма асослар бор. Ушбу йўналишда бошланган ҳаракатда Дўстлик шаҳри маҳаллалари, «Қаҳрамон», «Сари-тепа», «Наврўз», «Мевазор» ҳамда «Истиқлол» қишлоқ фуқаролар йиғинлари фаол қатнашмоқда.

Туманда кишки мавсумга тайёргарлик бўйича ҳам муҳим ишлар қилинмоқда.

Уй-жойларни таъмирлаш, реконструкция қилиш ва қуриш бўйича ихтисослаштирилган «Сайфижон-Толибжон» қурилиш-таъмирлаш корхонаси ҳозирда худуддаги кўпқаватли уйларни мукамал таъмирламоқда.

Аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш борасида ҳам аниқ ишлар қилинмоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида туман ободонлаштириш бошқармаси томонидан 20 километр узунликтаги қишлоқ йўллари таъмирдан чиқарилди. Манзилли дастур асосида қилинган ишлар ҳисобига «Қаҳрамон» ва «Истиқлол» қишлоқлари учун иккита қўшимча йўналиш очилди. Хизмат кўрсатишнинг барча турлари бўйича қишлоқ жойларида 16 та кичик корхона ва микрофирмалар, 84 та хусусий ва яққа тартибдаги тадбиркорларнинг 247 та сервис ва манший хизмат кўрсатиш йўналишларидаги янги иш ўринлари жорий этилди. Хусусий тадбиркорлик ва касаначилик йўналишидаги саъй-ҳаракатлар натижаси ўлароқ туманда ушбу соҳа ишлари авж олмоқда.

Ободонлаштириш ва бунёдкорликка жиддий аҳамият берилаётгани боис барча аҳоли кўрғонларининг чиройи очилмоқда. Дўстлик шаҳри маҳаллаларида бошланган ҳаракат қишлоқларга кўчиб, бугун барча аҳоли масканларида замонавий гузарлар барпо қилишга эришилди.

Уларда аҳолига савдо, маданий-манший хизмат турлари кўпайтирилиб, хизмат маданияти яхшиланмоқда. Бу борда фуқаролар йиғини оқсоқолларнинг хизмати катта бўляпти.

«Маҳалла» жамғармасининг туман бўлими фуқаролар йиғинлари билан биргаликда аҳолининг талаб-эҳтиёжлари асосида иш юритмоқда. Фуқароларнинг у ёки бу масала юзасидан мурожаатини жойида ўрганиб, ижросини таъминлашга жиддий эътибор қаратилмоқда. Муаммоли масалалар эса бўлима ҳамда йиғин раисларининг доимий назоратида олинган.

Кам таъминланган оилалар, меҳр ва мурувватга муҳтож бўлган фуқароларда уруш ва меҳнат фахрийлари, ногиронлар доимий эътиборимизда. Ҳамкор ва ҳомий ташкилотларнинг саҳовати туфайли шу йилнинг ўзида тумандаги 27 та кам таъминланган оила сиргилди бўлди. 17 та хатна, 21 та ёш оиланинг никоҳ тўйлари ҳомий ташкилотларнинг ёрдамида ўтказиб берилди. Энг асосийси фидойи инсонлар халқ ташвиши билан яшаб, меҳнат қилиш биланчи вазифа эканлигини яхши англайдилар. Зотан, эл ишончини қозониш саодатдир.

Абдуҷалил АЛИҚОБИЛОВ, «Маҳалла» жамғармаси Дўстлик тумани бўлими раиси.



© фото-Носир Хайдаров

ЯНГИ ГУЗАР ҚАД РОСТЛАДИ

РЕСПУБЛИКАМИЗ маҳаллаларида чиройи, маҳобати, шарт-шароити жиҳатдан бир-бирдан қолишмайдиган замонавий типдаги янги гузарларнинг барпо этилаётгани шаҳар қишлоқларимиз, овулу маҳалларимиз кўрғига кўрк қўшаётди. Уларда яратилган қулайликлардан маҳалла аҳли баҳраманд бўлмоқда.

Ана шундай янги гузарлардан бири пойтахтимизнинг Собир Раҳимов туманидаги «Чигатой дарвоза» маҳалласида қад ростлади.

— Гузар бир неча ҳомий ташкилотлар, тадбиркорлар, фаоллар ёрдамида бунёд этилди, — дейди маҳалла оқсоқоли Тойир Абдуазимов. — Мазкур бино саккизта хонадан иборат бўлиб, жамоамиз аъзоларининг самарали фаолият юритишлари учун барча шароитлар мавжуд. Яратилган бундай қулайликлар иш самардорлигини янада оширишга хизмат қилиши, шубҳасиз. Эътиборлиси, бу ерда тадбирлар ўтказиш мақсадида кенг ва шинама мажлислар зали ташкил этилди. Шунингдек, нуроний отахонларнинг дам олишлари мўжжалланган алоҳида хона ҳам ажратилган. Эндиликда бу ерда милиция таянч пункти ҳам фаолият кўрсатади.

Туман ҳокимлиги томонидан янги гузар компьютер жамланмаси ва бошқа зарур жиҳозлар билан таъминланиши режалаштирилган.

Раҳим ШЕРҚУЛОВ, «Mahalla» муҳбири.

МАЪРИФАТ

ЁШЛАР УЧУН КУТУБХОНА

Инсон ўз ҳаёти мобайнида яхши ном қолдиришга ҳаракат қилади. Чунки умр деб аталмиш улук неъмат улчоғлиги билан вақтдек олий ҳакам олдида оғиздир. Баъзилар уни саробга айлантириб, ортларидан эс-

эзгу мақсади қишлоқда замонавий «Зиё маскани» барпо этиш бўлди.

Яқиндан бог қолади, деган нақдлик халқимиз бежизга айтмаган. Эл маърифатида дахлдорлик ҳисси у кишини бир зум бўлса-да тинч қўймади. Холбой ота-

нинг ниятлари мураббийлар кунинда амалга ошди.

Фахрий муаллим Холбой Хонқулов ташаббуси билан Қатағон қишлоғида Ёшлар кутубхонаси очилди. Ундан муаллимнинг 20 минг китоб ва 6 мингдан ортиқ газета ва журналларидан иборат каттагина хазинаси жой олди. Холбой муаллимнинг ташаббуси билан кутубхона биносининг фойдаланишга топширилгани ёшлар учун шодийнага айланди. Негаки, бу масканда уларнинг тафаккурларини бойитиш, компьютер саводхонлигини ошириш учун барча шарт-шароитлар муҳайё қилинган. Эндиликда Қатағон, Оқжангал қишлоқларидаги ёшлар ҳамда Маймаоқ касб-ҳунар коллежи ўқувчилари бу зиё масканидан баҳраманд бўлишмоқда.

Эзгуликни дилга туққанларнинг нияти албатта, ижобат бўларкан. Касбиликларнинг ҳурмат-иззатига эришган Холбой бобони эл манфаатига камрабаста инсон, десак арзийди. Ана шундай инсонлар бор экан, ўсиб келаётган ёш авлоднинг дилида саҳоват ва эзгулик гулшани барқ ураверади

Дилбар МАҲМУДОВА



лагулик ҳеч бир из қолдиришмаса, айримлар фарзандининг фароғатини умр бўйи ўйлаб, ёд этишга арзигулик ишлар қиладилар.

Орамизда маърифатга интилдучи шундай инсонлар борки, биз уларнинг маънавий бойликка етакловчи хизматлари боис ўзгичимизни англаб бораёмиз. Қашқадарё вилояти Касби тумани Қатағон қишлоғида яшаётган Холбой отанинг суяги ўқитувчилик меҳнати билан қотган. Муаллим 40 йил ўқитувчи бўлиб, тумандаги 3-мактабда 22 йил давомида мактаб директори лавозимида хизмат қилди. Ёш авлодга таълим-тарбия бериш билан бирга, китоблар дунёсига меҳр қўйди. Унинг



ОСОЙИШТАЛИК ПОСБОНЛАРИ

ПОСБОН ШУНЧАКИ ҚЎРИҚЧИ ЭМАС

... Ўша оқшом сардор Зайниддин Шоимқулов бир неча посбонлар билан бирга, одатдагидек, маҳалла кўчаларини айланиб юрганди. Хонадонларда чироклар порлар, ҳовлилардан мусиқа оҳанглари таралиб турарди. Онда-сонда машиналарнинг энгил гуруллашини ҳисобга олмаганда маҳаллада осойишталик ҳукмрон эди.

Ўзоро гурунлашиб навбатдаги кўчага бурилишганда посбонлар диққатини деворлар ёқалаб илгарилар бораётган киши тортиди. Нотаниш кимса чекка худудда жойлашган ҳовли томон юрди. Атрофга олазарак қараб олгач, девордан ошди. Посбонлар унинг маҳаллага яхши ниятда қадам ранжиди қилмаганини сезишди. Хонадон соҳиблари эртарақ уйқуга ётганими ёки бирор жойга кетганими, ҳовли юзаси қоронғу эди. Посбонлар диққатини бир жойга жамлаб кузатиб туришди. Бир оз вақт ўтгач, ҳалиги кимса бир тўла қопни юзасига олиб девор оша кўчага сакраб тушди...

Бировнинг мулкига кўз олайтирган кимса ашёвий далилнинг фароғатини умр бўйи ўйлаб, ёд этишга арзигулик ишлар қиладилар.

Орамизда маърифатга интилдучи шундай инсонлар борки, биз уларнинг маънавий бойликка етакловчи хизматлари боис ўзгичимизни англаб бораёмиз. Қашқадарё вилояти Касби тумани Қатағон қишлоғида яшаётган Холбой отанинг суяги ўқитувчилик меҳнати билан қотган. Муаллим 40 йил ўқитувчи бўлиб, тумандаги 3-мактабда 22 йил давомида мактаб директори лавозимида хизмат қилди. Ёш авлодга таълим-тарбия бериш билан бирга, китоблар дунёсига меҳр қўйди. Унинг

ўғирлаган буюмлари билан участка инспекторига топширди. Бу орада меҳмондорчиликдан қайтган хонадон соҳиблари ҳам келиб қолишди. Улар хонадонларидан содир этилган ўғрилик ҳақида хабар қилгани келишганди.

Термиз шаҳридаги «Меҳробод» маҳалласининг «Маҳалла посбони» жамоат тузилмаси сардори Зайниддин Шоимқулов ўн йилдан буён халқ хизматиди. У ўз фаолияти давомида юқоридаги каби кўпгаб жиноятларни бартараф этган. Маҳалла худуди хилла катта бўлиб, унда 5 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Ўзининг тиниб-тинчимаслиги, ҳушёрлигию ҳушумоаллиги билан сардор маҳалла аҳли ҳурматини, ишончини қозонган.

З.Шоимқулов «Маҳалла посбони» жамоат тузилмасига жисмонан ва маънавий етук ёшларни танлаб олган. Улар ёрдамида маҳалла осойишталигини таъминлаш, жанжал, низоларни бартараф этишнинг кўнгилдагидек йўлга қўймоқда. Айниқса, ёшларнинг турли зарарли оқимларга қўшилиб кетишининг олдини олиш борасида ибратли ишларга қўл ураётди.

Баъзан ака-укалар, қўни-қўшнилар, ота-бола ёки келин-куёв, қайнана-келин ўртасида низо ва келишмовчиликлар рўй бериб туради. Бундай ҳолларда сардор биринчи галда маҳалла оқсоқоли ва маслаҳатчиларга таянган ҳолда иш кўради. Ёшлар ўртасида низо чиқадиган бўлса, фаол ёшларни жалб этади. Ҳар қандай

вазиятда вазминлик ва самимийлик билан уларни яраштиришга интилади.

— Ёшим тўқсон еттида, — дейди Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, ёлғиз яшаётган кекса онахон Варвара Отаева. — Маҳаллага раҳмат! Айниқса, Зайниддинга алоҳида ташаккур айтаман. У ҳолимдан тез-тез хабар олиб туради. Эшигимдан кулиб кирар экан, «Яхши ўтирибсизми, моможон!», дейди ҳурмат билан. Бундан кўнглим тоғдек кўтарилиб, хурсанд бўлиб кетаман. Демак, мен ҳақимда ҳам кимдир қайғуряпти. Бу кўнглимга таскин беради.

Бир сўз билан айтганда, сардорнинг ўз бурчини астойдил адо этаётгани яхши самара берапти. Масалан, кўрилган чоратадбирлар натижасида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан жорий йилда оилавий жанжаллар, низолар, қўни-қўшнилар ўртасидаги келишмовчиликлар сони кескин камаймоқда. Шунингдек, сардор ва унинг ёрдамчилари ҳушёрлиги туфайли бошқа худуддан келиб маҳаллада ўғрилик содир этишга уринган 6 ҳолатнинг олди олинди.

Ҳа, маҳалла посбони шунчаки қўриқчи эмас. У маҳалла ҳаётининг фаол иштирокчиси. Буни яхши тушунган сардор З.Шоимқулов доимо инсонлар муаммосини ўрганишга, уларга ҳар томонлама ёрдам беришга интилади.

Ёлгор АШУРОВ, «Mahalla» муҳбири.

МАҲАЛЛА ҲАМКОРЛИГИ

РОМИТАН тумани Газли шаҳарчасидаги «Газли» маҳалласида шахар магистраль газ қувурлари бошқармаси ҳомийлигида ўн беш нафар болакайнинг суннат тўйи ўтказиб берилди.

— Корхона томонидан тўй болаларга бош-оёқ сарпо кийгизилиб, ҳар бирига йипirma минг сўмдан суюнчи пули ҳам

тарқатилди, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Ҳасан Жалилов. — Бундан ташқари, худуддаги саноат ишлаб чиқариш корхоналари билан ўрнатган ҳамкорлигимиз натижасида 26 та кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатилди, 46 нафар киши иш билан таъминланди.


Маҳалладаги «Газли нефть қазиб чи-

қариш», «Газли ишчи таъминот» унитар корхоналари ёрдамида касаначилик фаолиятини йўлга қўйиш орқали хотин-қизлар уй меҳнатига жалб этиляпти. Бу «Газли» маҳалласида ишсизлик масаласи ечим топаётганидан далolat беради.

Ақбар РУСТАМОВ, «Mahalla» муҳбири.

ФАРЗАНДЛАР КАМОЛИНИ ЎЙЛАБ

ЙИГИН идорасидаги ишларни битириб, атроф-муҳит озодлигини кўздан кечириш мақсадида маҳалла кўчаларини айланган юргандим, арзимаган нарсаларга тортишиб, жанжал кўтарайтган бир гала ёшларнинг устидан чиқиб қолдим. Уларни идорага олиб келиб, куч-ғайратга тўла ёшлик даврини беҳуда нарсаларга сарфлаш келгусида панд беришини, бунинг ўрнига ўқиб билим эгаллашлари лозимлигини тушунтирдим. Ота-оналарини чақириб, фарзандлар тақдирини ҳақида қайғуриш уларнинг бурчи эканини, яратиб берилаётган имкониятлардан унумли фойдаланиши учун ёш авлодга шарт-шароит яратиб бериши лозимлигини эслатдим. Мактабни битириб, бекорчи юрган ёшларни жамлаб, пойтахтимиздаги Бобур номидаги истироҳат боғида ўтказилган бўш иш ўринлари ярмаркасига олиб келдим. Бу ишда ота-оналар яқиндан кўмак берди.



© Фото: Носир Хайдаров

Ярмаркада иштирок этган ёшлар ўз мутахассислиги, қизиқишлари ҳақида қайғуриш бурчамизнинг ўринларига жойлаштириш учун ҳужжат топширишди. Шу кунни ишсиз юрган йигитлар сонини ўнгага камай-тиришга муваффақ бўлдик.

Дарҳақиқат, ёш ўғил-қизларнинг келажак ҳақида қайғуриш бурчамизнинг вазифамиз. Уларни ишга жойлаштириш, бўш вақтларини мазмунли ўтказиш учун шарт-шароитлар яратиб бериш, мавжуд имкониятлардан оқилона фойдаланишида кўмаклашиши лозим.

Ёшларни худудимиздаги "Гилер" клубига жалб этганмиз. Улар клуб қошида ташкил этилган ўндан зиёд тўрақларда хунаар ўрганишаётди. Спорт билан шуғулланиши, соғлом вояга етиши учун Республика Олимпия захиралари коллежи мутасаддилари ҳамда 56-мактаб ўқитувчилари ҳамкорлигида ўсмир ёшлар ўртасида турли спорт мусобақаларини ўтказиб келямиз.

Айни пайтда маҳалламизда уч минг нафардан зиёд аҳоли истиқомат қила-

ди. Шундан қарийб ярмини хотин-қизлар ташкил этади. Уларнинг касаначилик фаолияти билан шуғулланишлари учун барча шарт-шароитларни яратиб берганмиз. Эндиликда хотин-қизларнинг аксарияти ўз уйларида тикувчилик, каштачилик билан шуғулланишаётди.

Яқинда қизларни турмушга тайёрлаш, қонуний никоҳ ҳамда тиббий кўриқдан ўтишнинг афзалликлари ҳақида етарлича маълумот бериш ниятида туман ҳокимлиги, туман ФХДЁ вакиллари, 37-оилавий поликлиника ходимлари, маҳалла фаоллари ҳамкорлигида "Соғлом она — соғлом бола", мавзуда давра суҳбатини ўтказдик. Унда олий тоифали шифокорлар томонидан ёшларнинг мустақил оила қуришида нималарга эътибор қаратишлари, намунали оила барпо этишида таъсир кўрсатадиган омиллар нималардан иборат эканлиги ҳақида аниқ тушунчалар берилди. Мутахассисларнинг маърузалари иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

Ҳозирда ёш ўсмир қизлар, туғуруқ

ёшидаги аёллар ўртасида "Соғломлаштириш" кўриги ўтказилди. Бу борадаги ишларни изчил давом эттиришда туман хотин-қизлар кўмитаси раиси Муаттар Солиқова, туман ФХДЁ, поликлиника, таълим муассасалари мутасаддилари яқиндан ёрдам беришаётди. Бундан ташқари маҳалламиз жамоаси ҳар йили хотин-қизлар ўртасида ўтказиладиган "Намунали қайнана", "Оналар қуйлаганда" кўрик-танловининг "Алла" йўналишида юқори ўринларни қўлга киритиб келяпти. Бу каби тадбирларга мактаб ва коллеж ўқувчиларини ҳам жалб этишга ҳаракат қилиямыз.

Яқинда ўтказилган "Минг ойни кўрган онахон", деб номланган тадбирда ёшларнинг ҳаётида турғи йўлни танлашда панд-насихатлар берадиган, уларга ўрнак бўладиган ёши улур нуруний онахоннинг родини ижро этдим. Иштирокчилар катта қизиқиш билан томоша қилишди. Бундай тарбиявий аҳамиятга эга тадбирларни тез-тез ўтказиб туришни режалаштирганмиз.

Маҳалламиз оқсоқоли Рихсвий Ка-

римов ўз ишини пухта бажаришга, эл-юрт ишончини оқлашга сидқидилдан ҳаракат қилишга одатланган. Шунингдек, "Гилер" клубининг мажлислар залида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар мутасаддилари, профилактика инспектори, посбон, ёшлар билан ишлаш комиссияси аъзолари ҳамкорлигида ёшлар ўртасида жиноятчилик, тартибузарлик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида "Огоҳлик — давр талаби", "Маҳалла — муқаддас маскан", "Ўз уйингни ўзинг асра" сингари мавзуларда тадбирлар ўтказиб турамыз. Ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатларимиз бесамар кетмапти. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида худудимизда жиноятчилик ҳолатлари содир этилмади. Бундай хайрли ишларни кўрни кўрган отахону онахонларимизнинг маслаҳатида қулоқ тутган ҳолда амалга оширолмадик.

Хўри ОЛИМХЎЖАЕВА,
Тошкент шаҳри Чилонзор туманидаги
Лутфий номдаги маҳалла
маслаҳатчиси.

МУҲИМ ТАВСИЯЛАР

ЯХШИ СУҲБАТДОШ ВА ТИНГЛОВЧИ БЎЛИНГ

Давоми. Боши олдинги сонда.

Одамнинг ақли, продаси, ҳиссий маданияти, тарбияланганлиги, назокатлиги ва шу қабилларнинг барчаси мулоқот туфайли шаклланиб хислатлардир. Шу билан бирга, уйқунсизлик, боши оғриги, неврозлар, инеультлар, инфарктлар ва бошқа касалликлар, шунингдек, ичкиликка, гиёҳвандликка ружу қўйиш, ҳатто ўз жонига қасд қилиш қабилар ҳам мулоқотнинг натижасидир. Ривоятларда ай-тиллишича, доно Эзопа ҳўжайини «Менга аввал дунёдаги энг мазали, ширин таомни келтир ва ундан сўнг, аксинча, энг бемаза таомни келтир», деб буюрга-

нида, у ҳар иккала сафар ҳам қайнатилган тилини келтирган экан. Демак, тил, мулоқот инсон ҳаётида ундан қандай фойдаланиш, уни қандай ишлатишга қараб, унинг учун азиз, қадрили бўлиши ёки, аксинча, фожиали бўлиши ҳам мумкин.

Ҳар бир одам кишиларга зарар келтирадиган сўзлардан ўзини сақлаши лозим. Зеро, муқаддас ҳадиси шарифда ай-тиганидек, «Ўзингга раво кўрмаган нарсани бировга ҳам раво кўрма». Бунинг учун тилга эҳтиёт бўлиш, киши дилини оғри-тадиган, кўнгилни қолдирадиган, иззат-нафисга тегадиган, ор-номуси, шаънини оёқости қиладиган сўзни ҳеч сўзламаслик даркор. Ҳаммавақт ширинсўз бўлиш,

доимо яхши, маънили сўзларни ишлатиш керак, чунки тилдан етган озор найза озорида ёмон эканлигини унутмаслик лозим.

Яхши тингловчи бўлишда ҳам шундай куч борки, у сўхбатдошни Сизга жуда яқинлаштиради, ишончини тугдиради. Чунки муомалада энг қимматли нарса бу айтилаётган фикр ва маълумотнинг ўзи ҳисобланади. Тинглаётган одам маънили, яхши сўхбатдан керакли ва фойдали маълумот олади. Гапирган эса, аксинча, ўздаги борини бериб, гапирмайдиган сўхбатдошдан «тескари алоқани» олиб улгурмай, ҳеч нарсасиз қолиши ҳам мумкин.

Шунинг учун бўлса керак, немис файласуфи А. Шопенгауэр: «Одамларни ўзингиз тўғрисида яхши фикрга эга бўлишларини хоҳласангиз, уларни тингланг», деб ёзган экан. Дарҳақиқат, агар сиз куюниб гапирсангиз-у, сўхбатдошнинг сизни тингламас, бошқа нарса билан овора бўлаверса, ундан ранжийсиз, нафақат ранжийсиз, балки у билан алоқани узасиз. Бир киши сизга гапирётган вақтида уни тингламаслик одобсизликнинг кенг тарқалган кўриниши, деб баҳоланишини билиш ҳар бир киши учун зарур.

«Мустаҳкам оила — маҳалла таянчи»
китобидан олинди.

МАСЛАХАТЧИЛАР ФАОЛИЯТИДАН

ҲАМКОРЛИК ЮҚОРИ САМАРА БЕРМОҚДА

Анджон аҳолисининг салмоқли қисмини хотин-қизлар ташкил этади. Уларнинг маънавий дунёсини бойитиш, иш билан таъминлаш, турмуш тарзини яхшилаш шу куннинг долзарб масалаларидан биридир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 25 майдаги «Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини кўриватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ва шу асосдаги ҳукуматимиз қарорини ҳаёта татбиқ этишда «Маҳалла» жамғармасининг вилоят бўлими, унинг шаҳар ва туманлардаги бўли-малари жамоалари ҳам астойдил иш олиб бормоқдалар. Шаҳар ва туманлардаги бўлиналарда фаолият кўрсатаётган 18 нафар бош мутахассис, 861 та маҳалла фуқаролар йиғинларида иш олиб бораётган йиғин раисининг тар-бия масалалари бўйича маслаҳатчилари ана шу муҳим вазифани бажаришга масъулдирлар.

Ҳаёт зиммасига қўяётган вазифаларни муваффақиятли бажаришлари учун мутахассисларнинг билим ва малакаларини ошириб боришга алоҳида эътибор қаратишмоқда.

«Маҳалла» жамғармасининг вилоят бўлими хотин-қизлар билан ишлаш бўйича бош мутахассислари Тошкент шаҳрида 3 кунлик ўқув-семинарида ўз малакаларини оширдилар. Республика Хотин-қизлар кўмитаси, «Маҳалла» жамғармаси республика бошқаруви ва бошқа идоралардан юборилаётган ўқув-услубий қўлланмалар, кўргазмалли материаллар уларга вақтида етказиб берилмоқда.

Фаолиятимиз йўналиши бир бўлганлиги боис, ҳар бир ишда, ўтказиладиган тадбирларда биз вилоят хотин-қизлар кўмитасига суянган ҳолда иш олиб бора-миз. Кўмитанинг ёрдами билан маслаҳатчиларнинг фаолиятини такомил-лаштириш, малакасини ошириш, уларни рағбатлантириш бўйича тузилган кўмаклашув гуруҳларининг ёрдами ҳозирги кунда анча сезилиб қолди. Ана

шу гуруҳларнинг бевосита ёрдами билан биз вилоятимиз маслаҳатчиларини сўхбатдан ўтказдик.

«Энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи» республика кўрик-танловининг шаҳар, туман ва вилоят бўлимига тайёрлаш ҳамда ўтказишда вилоят хотин-қизлар кўмитасининг мадади катта бўлди. Танловлар олдида маслаҳатчилар учун иш ҳужжатларини юритиш бўйича жойларда ўқув-семинарлари ташкил этилди. Ҳар бир маслаҳатчи билан алоҳида-алоҳида иш олиб борилди. Асака шаҳридаги «Шодлик» МФЙ маслаҳатчиси Гулнора Ботирова-нинг республика бошқаруви ва бошқа иккинчи ўринни эгаллагани ана шу ҳамкорлигимиз натижаси, деб биламан.

Бугунги кунда ижтимоий вазиятнинг барқарорлигини таъминлаш энг муҳим масалалардан ҳисобланади. Вилоят хотин-қизлар кўмитаси, «Маҳалла» жамғармасининг вилоят бўлими, фуқаролик жамиятини ўрганиш институти, Ан-джон минтақавий ахборот-таҳлил мар-

кази ҳамкорлигида вилоятда диний экстремизм ва миссионерликнинг ғоявий таҳиди тўғрисида семинар ўтказилди. Унда шаҳар ва туманлардан бош мутахассисларимиз, маслаҳатчилар фаол иштирок этишди. Сўнгра ушбу мавзу-даги сўхбатлар шаҳар ва туманларда да-вом эттирилди. Қишлоқ ва маҳаллаларда мулоқот ва давра сўхбатларида минглаб юртдошларимиз иштирок этиб, уларни қизиқтирган саволларга жа-воб олдилар.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 1 июлдаги «Аҳоли орасида, айниқса хотин-қизлар ва никоҳдан ўтувчи ёшлар орасида соғлом оила қуриш, соғлом бола туғили-ши ва тарбиялаш масалалари юзасидан тизимли асосда тушунтириш ишларини ташкил қилиш бўйича 2009-2010 йил-ларга мўлжалланган қўшимча чора-тад-бирлар режаси» қарорида қўйилган вазифаларни амалга ошириш бўйича кенг қўламли ишларни бошлаб юборганмиз. Барча шаҳар ва туман бўлиналари ана шу қарорнинг ижросини таъминлаш



ДУГОНАЛАР СИРЛАШИ АНДА

НОЎРИН ШУБҲА

ТИЛЛА узук ва чиптадан маҳрум қилиши мумкин эди.

Шоҳида шифокор бўлгани боис бўш вақти кам, ҳар доим ҳам болаларига берган ваъдасининг устидан чиқолмасди. Бугун, дам олиш кунини уларни ҳайвонот боғига олиб бормоқчи бўлиб турганида, телефон жиринглади. Дугонаси Моҳира: «Тез учрашайлик, илтимос», дедию гўшакини қўйди. Шоҳида болаларини олиб чиқётганини айтолмади, чунки дугонасининг овозидан жуда асабийлашаётгани сезилиб турарди. «Бошига бирор кулфат тушганмикан? Бир гапириб ўн куладиган, доимо хушчақчақ юрадиган дугонам нега бунчалик асабий?.. Болалар яна хафа бўлишадими. Майли, дугонам йиғлаб турганда, мен яйраб юроларимиди», деб ўйлади у ва кейинги яқшанбада, албатта, ҳайвонот боғига олиб бораман, деб болаларига ваъда бериб, дугонасининг ёнига шовилди.

Дугонасининг оиласига кўпчилик ҳавас қилади. Хушмуомала, саранжом-сарништа аёл. Меҳрибон она, иккита фарзандини оқ ювиб, оқ тараб катта қилапти. Турмуш ўртоғининг ишлари юриши кетиши учун астойдил уринди, рўзгоридоги етишмовчиликларини сез-дирмайди, эри катта ишга қўл урганда унга ёрдам бўлсин деб, охириги тақин-чоқларигача соғди. Ҳозир қийинчиликлар ортда қолган, кичик цехда бошланган иш анча кенгайди, эри каттагина корхона раҳбари.

— Ҳўжайинимнинг ўзини тутиши мени шубҳалантиряпти, — деди куйин-ки дугонаси Моҳира. — Назаримда, у менга хиёнат қилаётганга ўхшайди.

— Куйсанг-чи! Ҳўжайининг яхши биламан. У бундай пасткашликка бормайди. Қолаверса, сени, болаларингни еру кўкка ишонмайди-ку, хиёнат қили-ши нимаси? Тушунтириброқ гапир, нима гап ўзи?

— Шу кунларда юриш-туриши галати-роқ, Тунов кунни қизимнинг синиб қолган зирагини заргарга олиб борган-дим, берибдордан эримнинг заргар билан гаплашиб турганини кўриб қолдим. У мени кўрмади, ўзимни панасага олиб уларнинг сўхбатига қулоқ солдим. Эрим буюртма берган шекилли, «Жуда бежирим бўлсин, чиройли ва соғлиққа фойдали тош билан безатинг», деди заргарга. Ишдан келгач, «Пешин маҳали қаер-га бордингиз?» десам, бир нималарни баҳона қилиб, заргарга борганини мен-дан яширди. Утган кунни кир юваётсам, чўнтагимда машҳур санъаткорнинг кон-цертига иккита чипта турибди. Мана уч кун бўлди, ўзи бирор гап айтар дей-ман, «Гиринг» демайди. Қандай йўл ту-тишни билмай сени чақирдим, чунки дардимни фақат сен тушунасан. Ота-онам, опаларимга ҳам бу гапларни ай-толмайман, улар «ўзинг пиширган ош,

айланиб ҳам, ўргилиб ҳам ичавер», дей-ишлари тайин.

Шоҳида ўйланиб қолди. Моҳира шу эрини деб, кўп йигитларнинг такли-фини рад этганди. Энг қийин дамлар-да унга елкалош бўлиб, машаққатни бирга тортиб, илмий ишидан воз кеч-саю ишлари ўнгангач эр фариштадай аёлга номардлик қилдими?

— Бу ерда қандайдир англашимов-чилик бўлса керак, — таскин берди у дугонасига. — Сен хато ўйлаётган бўлма.

— Агар шубҳаларим чин бўлса, ол-дин ишхонасида обдон шарманда қила-ман, кейин болаларни олиб бошим оққан томонга кетаман.

— Шошқалоқлик қилма. Концерт қачон?

— Келаятган шанбада.

— Ундай бўлса, сабр қилатур-чи. Бордию, шубҳаларинг тасдиқланса, унда бошқа чора кўрамиз. Бу нозик масала, нафақат сен ва эрининг, бал-ки икки норасида гўдагининг тақди-ри билан ҳам боғлиқ. Шунинг учун но-жўя иш қилиб қўйма.

Бугун ҳафта мобайнида Шоҳиданинг фикри ёди дугонасининг дарди билан банд бўлди. «Наҳотки, гулдай оила бар-бод бўлса? Ёки эри билан гаплашиб кўрсаммикан? Йўқ-ей, подалан олдин чанг чиқариб юрмай тагин».

Шоҳиданинг болалари интиқиб кут-ган яқшанба кун етиб келди.

— Ойижон, бугун ҳайвонот боғига борамизми? — деди ўғли. — Ваъда бер-гансиз-ку!

— Ваъда бергандан кейин бажариш керак, албатта, борамиз! — Бу Моҳи-ранинг хушчақчақ овози эди.

Шоҳида дугонасини товушидан та-ниб «ялт» этиб эшикка қаради: Моҳи-ра жимайганча эшик олдида турарди.

— Нима гап? Роса хавотир олдим, — деди дугонаси билан кўришаркан.

— Ҳаммаси яхши! Миям шубҳа-гу-монлар билан шу қадар тўлган эканки, тўйимиз қачон бўлиб ўтгани ҳам ёдидан кўтарилибди. Сенга айтган мана бу тилла узук ва концертга чипта тўйи-мининг ун йиллигига совға экан. Ҳўжайиним менга сюрприз қилмоқчи экан. Яхшиям сабр қилганим. Жаҳлим-га эрк бериб жанжал кўтарсам, жуда ачинарли ҳолга тушиб қоларканман, ду-гонажон.

Шоҳида энгил тин олди.

— Тез тайёрланглар. Кучада ҳўжайиним болалар билан машинада кутиб турибди. Раҳмат сенга! Бугун болаларни бирга хурсанд қилайлик. Ахир, улар ҳаётимиз мазмунини-ку!

Ташқаридан машина сигнали эши-тилди. Дугоналар шоша-пиша болалар-ни кийинтира бошлашди.

Юлдуз ҲОЖИЕВА

Одинахон ИБРАГИМОВА,
«Маҳалла» жамғармасининг
Анджон вилояти бўлими бош
мутахассиси.

21 ОКТАБРЬ — “ДАВЛАТ ТИЛИ ҲАҚИДА”ГИ КОНУН ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН КУН

ТИЛ — МИЛЛАТНИНГ ГУРУРИ

< [1]

Маълумки, тил — халқни халқ, миллатни миллат қиладиган омиллардан биридир. Миллатнинг мавжудлиги ва тарихини белгилашда тил жуда катта аҳамият қасб этади. Масалан, собиқ мустақиллик даврида ўзбек халқининг тарихи яқин XV-XVI асрлардан бошланганлигини сиёсий ҳужжатларда ва тарихий-илмий тадқиқотларда “қонулаштириш” кунайган эди.

Ҳолбуки, элимиз Туронзаминда инсоният тарихининг илк даврларидан бери яшаб келинди. Бежизга бу ҳудуд қадимги “Авесто”да “Турлар юрти”, “Туронзамин”, дейилмаган. Турлар, бу — туркий халқлар, ўзбеклар, уларнинг аجدдолари, бобоклонларидир.

Бунинг яна бир исботи шуки, деярли “Авесто” билан бир даврда бу заминда буюк миллий баҳодиримиз Алп Эр Тўнға тақдир тўғрисида халқимиз ўз она тилида ўлмаб дoston яратган. Деярли 4 минг йил аввал Марказий Осиё дашту саҳроларида қанот ёйган бу дostonнинг кўпгина сўзлари ҳозирги ўзбек тилида кенг муомалада яшаб келмоқда. Тилимиз ана шундай узоқ ва бой тарихга эгаллигини атоқли адабимиз Пиримқул Қодиров ўзининг “Тил ва эл” номли китобида катта илмий-ҳаётий далиллар билан исботлаб берди.

Бу китобда яна бир йирик ҳақиқат баён этилади. Халқимиз ўз тарихида мустақилликни кўп марта баҳолаб бошдан кечирган. Мустақилликда яшаш оқибатида аллоҳимиз ўз дурдона илмий асарларини араб тилида ёздилар. Мўғуллар истилоси даврида тилимиз “Чингай тили”, деган ном олди. Чоризм ва қизил салтанат пайтига келиб, масалан, киноасарларимиз аввал рус тилида яратилиб, сўнг ўзбек тилига дубляж қилинарди.

Бу тарихий далиллардан қандай хулоса чиқарилади? Хулоса шуки, Ватан, халқ мустақил бўлмаса, тил ҳам иккинчи оғир юз тутайди. У яшай олмайдди. Тилсиз, забонсиз халқ бошқа миллатларга чапишиб, сингишиб кетади. Унинг тарихи ҳам, тарихдаги ўрни ҳам, тарихий йуқлари ҳам эсланмайди.

Тили бор элнинг эса келажаги бор. Тили бор ўзбек халқининг “Амир Темур



© фото-Носир Хайдаров

тузуқлари” бор, Навоийсию, Бобури, Ойбеги, Гафур Гуломи, Абдулла Қаҳҳори ва бугунги забардаст шоирлари, адаблари бор. Тили бор ўзбек халқининг ўз Давлат маҳияси бор. Ўз улкан мажлислари, фармонлари, қонунлари, ҳукумат миқёсидаги қарорлари бор. Таълими, дарсликлари бор. Ўз кўнгири бор, ўз матбуоти бор. Энг муҳими, ўз тафаккури бор. Қаддини қайта тиклаган халқимизнинг жаҳон спорт майдонларида жаранглаб садо бераётган “кураш”, “ёнбош”, “чала”, “халол”, “ғирром”, деган чиройли иборалари бор...

Булари билан барчасини бизга мустақиллик инъом этди. Мустақиллик халқини бор қилди, тилини Давлат тилига айлантирди, бу тилнинг парвозига қанот бағишлади. Мустақиллик Конституция-

нинг энг биринчи саҳифаларида: “Ўзбекистон Республикасининг Давлат тили ўзбек тилидир” (4-модда) деган шарафли сўзларни қонулаштирди.

Истиқлол йилларида “Миллий ўзбек энциклопедияси”, “Ўзбек тилининг изоҳли лугати” каби маҳабатли тил ёлгорликлари дунёга келди. Нодир тарихий манбалар ўзбек тилида жарангламоқда. Истиқлол йилларида ўзбек тили ҳар жиҳатдан ривожланмоқда. Эски давр мафқурасига асосланган атамаларга барҳам берилди. Бугун гурурланиб: “Пойтахтимизнинг Мустақиллик майдони” деймиз, “Шаҳидлар хотираси” мажмуаси деган атамани тилга оламиз, Алишер Навоий номидаги Миллий боғ, Бобур номидаги истироҳат боғи, деймиз. Тилимизда шакланган бу янги атамалар — янги онг, янги дунёқараш, янги маънавият кўзгуларидир.

Истиқлол йилларида Истиқлол, Олий Мажлис, вазирилик, вилоят, ҳокимлик, туман, даҳа, мавзе, мафқура, ҳайит, таҳририят каби кўпгина эски сўзларимиз тилимизга қайтди.

Айни пайтда янги давр ва тараққиёт, шунингдек, халқимиз дунё билан фаол ҳамкорликка киришиб кетганлиги туфайли тилимизга Сенат, фермер, тендер, рейтинг, коллеж, лицей сингари хорижий тушунчалар кириб келди. Тилимиз уфқлари кенгаймоқда. Толеимизга Мустақиллигимиз абадий бўлсин, мустақиллик бор экан, унинг қўши остида еримиз ҳам, элимиз ҳам, тилимиз ҳам кўккаравради ва гуллаб-яшнайдди.

Михил САФАРОВ

МАҲАЛЛА МЕҲМОНИ

МАБОДО ҚИНҒИРЛИК ЭМАСМИСИЗ?..

Дунёда кулгунни ёқтирмайдиган одам бўлмаса керак. Негаки, кулги ҳам табиатнинг бошқа неъматлари қатори Яратган томонидан бандасига берилган зийнатлардан биридир. Кулгунни зийнат дейишимизнинг боиси бор, кулган одам беғубор бўлади, яшарди, қалби тозарди. Кўп ҳолларда битмай келатган ишлар битта латифа ёки ҳазил-мутойба билан ижобий томонга ҳал бўлганини эшитганимиз.


Газетамиз меҳмони, “Ҳандалак” ҳажвий кўрсатуви муаллифи — Ортық Султоновнинг ушбу фикрларига қулоқ тутсангиз, кулгунинг яна бир қанча ўзига хос томонлари ҳақида билиб оласиз.

— Ҳар бир инсоннинг улайганда қайси соҳани танилаши кўпгина оилавий муҳитга боғлиқ. Шу маънода, суҳбатимизни болалик йилларингиз ҳақида бошлаш...

— Меннинг болалигим Ургут туманининг Қинғир маҳалласида ўтган. Маҳалламизнинг бундай номланиши бежизга бўлмаса керак. Негаки, у ерда яшайдиган ҳар бир киши ўзига хос тарзда ҳазил-хузул қилишар, айтадиган гапни коста тагида нимқоса қабилда гапирарди. Оқсоқолларимиз эса мақолларни шунчалик кўп билдишардики, бирор бир гапни мақолсиз айтмасдилар. Бегона одамлар олдида бирорта бола сўзасанлик қилса, мабодо қинғирлик эмасмисан, деб ҳазил қилишлар ҳам маҳалламиз кишиларининг гапга чечанлигига ишоратидир. Оиламизда эса сангапта даҳадор киши бўлмаган. Аммо адабиётга, китоб ўқишга бўлган қизиқиш кучли эди. Ака-укаларимиз билан талашиб-тортишиб китоб ўқирдик, ундаги қаҳрамонлар ҳаёти, воқеалар хусусида фикр алмашардик. Китобдан олганимиз таассуротлар, сўз айтишга бўлган қизиқиш туфайли мактабда бўлиб ўтган турли тадбирларда ҳам бошловчилик қилардим, ҳам қизик гапларни айтиб одамларни кулдираддим.

— Аксарият мухлисиз сиз ва Зокир Очиловнинг бирга ўсган, болаликдан таниш деб ўйлашди.

— Бу гапларда қисман жон бор. Чунки иккалаимиз ҳам ургутликмиз. Аммо Маннон Уйғур номидаги Санъат институтида ўқишга киргунга қадар Зокирни билмас эдим. Талабаларда бирга ўқиган курсдошларимиз орасида ниҳоятда иқтидорли йиғилар бор эди. Зокир Очилов, Уктам Қорабоев каби дўстларим ўша сўзасанлик, табиатан ато этилган иқтидори туфайли бошқалардан ажралиб турарди.



Институтни битириш арафасида учаламиз келишиб, “Ғайра-ғайра” деган гуруҳ тuzдик. Ушбу гуруҳимиз Самарқанд вилоят телерадиокомпанияси орқали кўпга чикишлар қилгани боис, анча танилиб қолдик. Жиззаху Сирдарё, Қашқадарё ва Сурхондарё каби қўшни вилоят аҳолиси бизни тўйларига, турли байрамларга чақирдиларини билди...

— Рухшуносларнинг айтишларича, ҳар қандай одам ўзига билан етти дақиқача кулиши мумкин экан. Чарли Чадлин эса бир суҳбатда одамларни кулдиришдан кўра йиғлатиш осон, деган эди...

— Инсон феъл-атвори шундай: биринчи марта эшитган латифасига қаттиқ кулади. Ёки кулгига бағишланган махус дастурларда ҳам маълум пайтгача берилиб, бутун вужуди билан кулади. Кейинкейин эса гап кулгани бўлгани учун табассум қила бошлайди. Тўхтовсиз кулган одам лой қориган одамдек ҳолдан тойлади. Бу илмий исботланган фикр.

Баъзан шундай бўлади, тўй ёки концертда ҳар қанча берилиб гапирмайлик, одамларнинг хандон отиб кулишларини кўрмаймиз. Ҳолбуки, баъзан оналар ҳақида ёхуд меҳр-оқибат хусусида монолог ўқисак, кўзига ёш олганларни кўп кўраемиз. Ҳеч эътибор берганмисиз, бизнинг ёр-ёрларимиз ҳам, аллаларимиз ҳам гапнинг. Мана шундай пайтда одамларга хуш кайфият улаша оlish эса қизиқчининг маҳоратига бориб тақалади.

Дилбар МАХМУДОВА суҳбатлашди.

ШАРҲ

ШАРТНОМА БАЖАРИЛИШИ ШАРТ

БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИГА ЎТИШ ДАВРИДА МАМЛАКАТИМИЗДА ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ ВОСИТАЛАРИДАН БИРИ — ШАРТНОМА МУНОСАБАТЛАРИГА ЖИДДИЙ ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛАЙТИ. МАЪЛУМКИ, ШАРТНОМА ИККИ ЁКИ БИР НЕЧА ШАХСНИНГ ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚЛАРИ ВА БУРЧЛАРИНИ БЕЛГИЛАШ, ЎЗГАРТИРИШ ЁКИ БЕКОР ҚИЛИШГА ҚАРАТИЛГАН ЎЗARO КЕЛИШУВДИР. ШУ САБАБЛИ, ШАРТНОМА ТУЗИШИНИ БИЛИШ БУГУНГИ КУННИНГ МУҲИМ ТАЛАБЛАРИДАН БИРИ.

Амалиётда Ҳўжалик суди томонидан мазмунан кўриладиган ишларнинг аксарияти бевосита шартномавий муносабатлардан келиб чиқади. Тарафлар манфаатини тўла ифодалаган тарзда тузилиши, амалдаги қонунийликка мувофиқ келиши, тарафларнинг манфаатини юридик жиҳатдан мустаҳкамлаши ҳамда қонуний мақсадни назарда тутуши шартноманинг мукамаллигини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августда қабул қилинган «Ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонуни Ҳўжалик юритувчи субъектлар ўртасида юзага келатган мазмунан янги иқтисодий муносабатларни тартибга солиш, шартнома интизомини мустаҳкамлашда муҳим аҳамият қасб этмоқда. Айниқса, ҳали шартномалар тузиш тажрибасига эга бўлмаган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий алоқаларини мустаҳкамлашда, турли хил таъминотчи, тайёрловчи монопол корхона ва ташкилотлар билан шартномавий муносабатларда уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда мазкур қонуннинг аҳамияти беқиёс.

Олий Ҳўжалик суди Пленумининг 2002 йил 4 мартдаги «Ўзбекистон Республикасининг «Ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонунини Ҳўжалик судлари амалиётда қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида»ги қарорига кўра шартнома шартларини белгилаш ва уларга қўшимчалар киритиш маҳаллий давлат ҳокимияти, давлат бошқаруви органлари ёки бошқа идораларнинг

таъйиқи билан мажбуран амалга оширилган бўлса, бундай шартнома шартлари суд томонидан ҳақиқий эмас, деб топилуши мумкин.

Таъкидлаш керакки, бозор муносабатларига ўтиш шароитида тарафларда шартноманинг айрим шартларини ўзгартириш, қўшимчалар киритиш ёки шартномаларни бекор қилиш юзасидан турли муаммолар пайдо бўлмоқда. Ушбу тоифадаги низоларни ҳал этишда Фуқаролик кодексининг 377-моддасида белгиланган келишмовчилик баённомасини Ҳўжалик судига бериш учун 30 кунлик мудлатнинг ўтказиб юборилгани даъво аризини қабул қилишни рад этиш учун асос бўла олмайдди. Фуқаролик кодексининг 354-моддасига кўра шартнома тузишга мажбур қилишга йўл қўйилмайди. Лекин шартнома тузиш бурчи ушбу кодексда, бошқа қонунларда ёки олинган мажбуриятда назарда тутилган ҳолатлар билан мустасно. Шартнома тузиши мажбурий бўлган тараф уни тузишдан бош тортса, иккинчи тараф судга мурожаат қилиши мумкин.

Маҳсулот етказиб берувчи билан узоқ давом этган Ҳўжалик алоқаларида бўлганлик давлат эҳтиёжлари учун маҳсулот етказиб бериш тўғрисида шартнома тузишга мажбур қилиш учун асос бўла олмайдди. Масалан, очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти Ҳўжалик судига мурожаат қилиб, жунни қайта ишлаш фабрикасини давлат эҳтиёжлари учун жун етказиб бериш тўғрисида шартнома тузишга мажбур қилишни сўрайди. Даъвогар ўзининг талабларини тарафлар ўртасидаги узоқ давом этган Ҳўжалик

алоқалари билан асослаган. Бундай ҳолатда суд даъвогарнинг талабларини қаноатлантиришни рад этади.

Яна бир мисол. Ҳиссадорлик жамияти Ҳўжалик судига мурожаат қилиб, энерготазминот ташкилоти билан ўзаро тузилган шартномадан истеъмол қилинган электр энергияси учун тўловни кечиктирилганлик учун белгиланган пеня тўлаш ҳақидаги жавобгарлиқни белгилловчи бандни чиқариб ташлашни сўраган.

Суд қуйидаги асосларга кўра даъво талабларини қаноатлантиришни рад этади. Тарафлар ўртасида тузилган шартномада истеъмол қилинган электр энергияси учун ҳақ тўлаш бўйича мажбуриятларни бузганлиги учун жавобгарлик Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг қароридан белгиланган миқдорда қўлланилиши кўрсатилган. Қарорда назарда тутилган жавобгарлик ҳақидаги норма шартномага киритилганидан бошлаб, у шартномавий шарт, деб ҳисобланади. Шунинг учун қарорнинг ўз кучини йўқотган, деб тан олинган шартномадан ушбу шартни чиқариб ташлаш учун асос бўлиб хизмат қила олмайдди.

Хуллас, истиқлол йилларида шартнома муносабатларига жиддий эътибор қаратилади. Бу борада жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун муайян ишлар амалга оширилди. Айниқса, шартнома шартларининг бажарилиши қонунларимизда қатъий белгилаб қўйилгани кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришда муҳим омил бўлаётди.

Маҳмула ИЗРАИЛБЕКОВА, Олий Ҳўжалик суди судьяси.

НАЗМ ГУЛШАНИ

ҚИШЛОҚ ХАЁЛИ

Оқшом — пода қайтадиган пайт,
Оқшом — сизир соғилар маҳал.
Супургини четроққа қўйиб,
Ошхонадан сўрамоқлик ҳол.

Эр қайтади гавжум шаҳардан.
Хотин кутар қозонни кавлаб.
Таниш қўзлар ёйилиб четар,
Бир-бирини зимдан авайлаб.

Оқшом — ҳаёт қайнаган палла,
Оқшом — кўча ҳордиқ олар чоғ.
Оймомоңи бағрига босиб,
Чарчоғини унитар қишлоқ.

Кезиб юрар кўчама-кўча,
Тупроқларга ботиб уст-боши.
Отаси оқ қилган фарзандек,
Елқасига ортмоқлаб лошин.

ЖўНАТИЛМАГАН МАҚТЎБ

Йўллаясан ўз-ўзинга хат,
Аҳвол сўраб қуюқдан-қуюқ.
Арз этибсан: «Ўзимдан бошқа
Мени бирор тинглайдиган йўқ».

Ёзибсанки: борим сир меннинг,
Бирор чора бормикан, ё раб.
Искандарнинг шохи бор, депсан,
Ичиндаги қудуққа қараб.

Берясан ўзинга ҳисоб,
Ҳеч ким сенга айб тўқимас.
Жўнатмаган бу мактубингни
Сендан бошқа ҳеч ким ўқимас.

ШАМОЛ

Йўнамоқчи бўлади баъзан,
Осмондаги ой билан пойга.
Қўйишга жой тополмасдан ҳеч,
Бошин олиб кетмоқда қайга.



Нилуфар УМАРОВА

Унуттандир манзилни балки,
Дайдилкининг сабогин олган.
Кимнинг иши бу улкан хато,
Ким шамолни худого солган.

«MAHALLA» ЖАВОБ БЕРАДИ

МОЛ-МУЛК ҚАНДАЙ БЎЛИНАДИ?

САВОЛ: — Турмуш ўртоғим билан ажрашаётган эдим. У никоҳ шартномасига асосан, барча умумий мол-мулкларнинг тенг бўлишини талаб қилди. Мен рози бўлдим. Бироқ хотиним амакимдан менга мерос бўлиб қолган уйнинг ярмида ҳам улуши борлигини даъво қилди. Мерос қолдирилган мол-мулк ҳам тенг бўлинадими?

Э.ЖУМАЕВ
Турақўрғон тумани

ЖАВОБ: — Оила кодексининг 23-моддасида белгиланишича, эр-хотиннинг никоҳ давомида орттирган ва никоҳ қайд этилгунга қадар уларнинг умумий маблағи ҳисобига олинган мол-мулклари, қонунда ёки никоҳ шартномасида бошқача ҳол кўрсатилмаган бўлса, уларнинг умумий мол-мулк ҳисобланади. Эр ёки хотин уй-рўзгор ишларини юртиши, бола парвартириш билан банд бўлган ёки бошқа узрли сабабларга кўра, мустақил даромадга эга бўлмаган тақдирда ҳам, биргаликда турмуши даврида

орттирилган мол-мулк уларнинг умумий мулкига кириди ҳамда унга нисбатан эр-хотиннинг ҳуқуқлари тенгдир. Оила кодексининг 25-, 26-моддаларига кўра, эр ёки хотиннинг никоҳга қадар ўзига тегишли бўлган мол-мулк, никоҳ давомида ҳада, мерос тариқасида ёки бошқа бепул битимлар асосида олган мол-мулк, шунингдек, шахсий фойдаланувийдаси кийим-бош, пойабзал ва шу каби бошқа буюмлар унинг хусусий мулк ҳисобланади.

Таъкидлаш керакки, никоҳдан ажратилиш жараёнида томонларнинг

тўйни ўтказишга кетган сарф-харажатларни ундириш ҳақидаги талаблари қаноатлантирилмайди. Шунингдек, миллий урф-одатларга кўра, тўй муносабати билан келинга бериладиган сеп ва сарполар, шунингдек, эр ёки хотиннинг шахсий фойдаланувийга берилган совғалар хусусий мулк сирасига кириди.

Лекин келин салом, тутилган кун, чақирғиқ сингари маросимларда эр-хотиннинг умумий фойдаланувийга берилган квартира, автомашина, гилам, телевизор ва шунга ўхшаш буюмлар никоҳ давомида орттирилган умумий мулк сирасига кириди. Шу боис, улар никоҳдан ажратилиш вақтида тенг тақсимланади.

Фасиҳиддин СУЛТОНОВ,
ҳуқуқшунос.

ТЕННИС

ИШОНЧЛИ ҲАРАКАТ ҒАЛАБАГА ЕТАКЛАЙДИ


ТЕННИС дунёдаги энг қиммат спорт турларидан бири ҳисобланади. Шу боисдан ҳам, теннисни ривожлантираётган, уни омалаштираётган мамлакатлар рўйхатида эътибор берилса, Ер юзидидаги мавжуд давлатларнинг аксариятида (кўпроқ ривожланмаган ва энди ривожланаётган давлатларда) ушбу спорт тури бўйича бирон-бир йирик спорт тадбири ўтказилмаганига гувоҳ бўласиз.

Ф ахр билан таъкидлаш лозимки, мамлакатимизда Мустақилликнинг илк йилларидан ушбу спорт тури жадал ривожланди. Бундан 19-20 йиллар муқаддам айрим шаҳарларимиздан, вилоят марказларидан кундузи чироқ ёқиб ҳам замонавий теннис кортларини топа олмас эдингиз. Эндилда фақат пойтахтимиздагина эмас, вилоятларда, чекка-чекка туманларда ҳам теннис мажмуалари бунёд этилдики, бундай кўркам иншоотлар ҳудудларимиз кўркамга кўр қўшаётди.

Айниқса, ушбу спорт мажмуаларида ўтказилаётган вилоят, республика ва халқаро даражадаги мусобақалар юртимиз ёш ракетка усталарининг маҳоратини ошириш билан бирга, соғлом турмуш тарзини тарғиб этишда муҳим восита бўлмоқда.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Халқаро Теннис федерацияси қарорига биноан, 1994 йилдан бошлаб мамлакатимизда ташкил этилган «Президент кубоги» Гран-при турнири ўзбекистон спортда тарихий воқеа бўлди. Ушбу турнир дунё рейтингига энг кучли бешта турнир сирасига кирганлиги билан ҳам аҳамиятлидир. Бутун жаҳон тенниси, кучли ракетка усталари Евгений Кафельников, Карим Алами, Чак Адамс, Николс Кицфер, Тем Химман, Марк Росси, Марат Сафин тўғрисида гап кетганда, албатта, Тошкент эста олинади. Зотан, уларнинг спортдаги фаолиятида «Президент кубоги» турнирининг алоҳида ўрни бор.

Утган 10 йил мобайнида мамлакатимиздан етук теннис усталари авлоди етишиб чиқди. Олег Огародов, Ирода Тулаганова, Денис Истомин, Фаруқ Дўстов, Мурод Иноятов, Сарвар Икромов, Оқул Омонмуродова, Иванна Исроилова... Бу рўйхатни давом эттириш мумкин. Лекин энг муҳими, улар мустақиллик фарзандлари. Истиқлол туғайли улар жаҳон теннис сахнасида ўз номига, ўз ўрнига эга бўлди.



© фото-Носир Хайдаров

Уларнинг ғалабалари шарафига Америкаю Африка, Европаю Осиё қитъаларида Утган нуфузли теннис мусобақалари — «Дэвис кубоги», «Челленджер», «Фьючерс» каби халқаро турнирларда, Осиё ва Жаҳон чемпионатларида, қитъалараро ўйинларда ўзбекистон мадҳияси янгради. 1992 йили юртимизда теннис билан шуғулланаётганлар сони 5 минг нафарга ҳам етмади. 2008 йилга келиб ушбу спорт тури билан оммавий шуғулланаётганлар сони 70 минг нафарга яқини ташкил этди. Бу мамлакатимизда соғлом турмуш тарзининг кенг омалашаётганидан далолатдир.

— Мамлакатимизда республика олимпия захиралари теннис мактабининг ташкил этилгани катта воқеа бўлди, — дейди мактаб директори Самиг Обидов. — Спорт мактабининг 17 та очиқ теннис майдонлари мавжуд бўлиб, шундан 4 таси кумли кортлар ҳамда 3 та ёпиқ майдонларимиз бор. Бу ерда 10 нафар мураббий ёш ва маҳоратли ракетка усталарига машғулот ўтаб келишмоқда. Асосийси, ёшлар учун барча шарт-шароитлар яратилган. Фақат улар яхши спортчилар бўлиб, халқаро мусобақаларда ғалабаларни кўлга киритишга киёф. Айтишим жоизки, олимпия захиралари мактабимиз ёшлари орасидан ҳам келажакда етук спортчилар чиқишига ишонаман. Сабина Шарипова,

Санжар Файзиев, Темур Исmoilов, Алина Абдурахимова каби спортчи-ёшларимизнинг ҳаракатлари ишончли. Бу уларнинг эртаси ойдинлигидан нишонна. Юртимизда теннисни омалаштириш, дунёда ҳеч қимдан кам бўлмайдиган кучли ракетка усталарини камол топтиришдан кўзланган асосий мақсад, мамлакатимиз жисмоний тарбия ва спорт ҳаётини янада мувофиқлаштиришга қаратилган, албатта. Бу йўлдаги ҳар бир ҳаракат тараққиётга мустақкам пойдевор бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

Тўлқин РЎЗИЕВ, «Mahalla» мухбири.

ЛАТВИЯДА ХАЛҚАРО ТУРНИР

ЭРТАГА Латвия пойтахти Ригада стол тенниси бўйича нуфузли халқаро турнир бошланади. Ушбу баҳсларда Европа, Осиё, Америка ва Африка қитъаларининг кучли кичик ракетка усталари иштирок этишади. — Ушбу мусобақада иштирок этишимиз учун мутасадди ташкилотлар томонидан барча шарт-шароитлар яратиб берилди. Муҳими, Рига беллашуварларида муносиб катнашимиз лозим, — дейди стол тенниси бўйича ўзбекистон терма жамоаси бош мураббийи Саидиром Бурхонқўшев.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, стол теннисчиларимиз учун ушбу халқаро турнир 2010 йили Хитойнинг Гуанчжоу шаҳрида бўладиган ёғни Осиё ўйинларидаги муҳим тайёргарлик вазифасини ўтайди. Мусобақа ғолиблари 24 октябрда аниқланади.

БОЛАНГИЗНИНГ ИММУНИТЕТИНИ КЎТАРИНГ

ТЕЗ-ТЕЗ шамоллаб турадиган болалар салгина совуқда ҳам аксирлади, иситмаси кўтарилди. Бу уларнинг иммунитетини суясайганидан далолатдир. Хўш, боланинг иммунитетини кўтариш учун нима қилиш керак? Еш гўдакларни кўкрак сути билан эмизиш уларда иммунитет ривожланишининг муҳим воситаси ҳисобланади. Зеро, сут таркибидидаги оқсил тоғалар касалликларга қарши самарали кураш олиб боришга қодир.

Оилада, боғчада ҳар бир боланинг ўз идиши бўлиши керак. Чунки микроблар идишда қолиши мумкин. Кўпчилик ёш ота-оналар болаларни даволаш учун антибиотиклардан фойдаланса бўладими, деб савол беришади. Аслида болаларни дори-дармон, антибиотикларга ўргатмай,

табiiй йўл билан даволаган, дориларни шифокор тавсияси билангина қабул қилган маъқул. Баъзи оилаларда шифокорга бормай, бировларнинг маслаҳати билан болаларга кучли антибиотиклар беришади, бу эса ўсимирга салбий таъсир кўрсатади. Айтиш керакки, антибиотиклар кўплаб бактерияларни йўқ қилади, лекин вирусларга таъсир қўрсата олмайди. Маълумки, айнан вируслар нафас йўлларидаги инфекцияларни чақирувчи асосий омил ҳисобланади. Иммунитет функциясини яхшилашга йўналтирилган энг маъқул йўл парҳез туғилдир. Болани хилма-хил мева-сабзавотлар, дон-дун, сут ва гўшт, полз маҳсулотлари билан озиқлантириш уларнинг иммунитетини кўтарилишига ёрдам беради.

Ҳаддан ташқари кўп ёки кам маҳсулот истеъмол қилиш иммун тизим учун зарарлидир. Уйда ота-она ўртасидаги, мактаб, ўқиш жараёнидаги асабий ҳолатлар, жанжаллар ҳам бола иммунитетини заифлаштиради. Шу билан бирга болани доимо уйда ўтиришга мажбурлашмаслик керак. Жисмоний машқ, спорт тўғрақларда қатнашишига шароит яратиб бериш даркор. Боланинг қундалик озиқланиш тартибини С, А, Е витаминлар бор маҳсулотлар билан бойитиш. Фарзандларингизни овқатдан олдин қўлларини совун билан ювишга оdatлантириш. Шунда инфекция ва микробларнинг қўл орқали юқиши олдини олган бўласиз.

Тоҳир ИБРАГИМОВ, тиббиёт фанлари доктори, профессор.

Дунёдан дараклар

Террорчиларга ёрдам берган экан

АМЕРИКАЛИК миллиардер Раж Ражаратнам утган жума кунин Нью-Йоркда қамоққа олинди. Асли шри-ланкалик бўлган Раж Шри-ланкада кўп йиллар фаолият олиб борган «Тамил йўлбарсларини озод қилиш» террорчилик гуруҳини моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаб турганлиги айбланмоқда. Кунин кеча миллиардер 100 миллион доллар гаров пули эъзига озодликка чиқарилди. Агар унинг айби исботланмаган бўлса, 20 йил муддатта қамалиши мумкин. Миллиардер судга қалар Нью-Йоркдан 110 километр узоққа кетиши мумкин эмас. AFP хабарига айтилишича, Раж Ражаратнам билан бирга Bear Stearns инвест банки собиқ бошқарувчилари Даниэле Кьези ва Марк Курланд, McKinsey & Co консалтинг компанияси ходими Анил Кумар, шунингдек, IBM вице-президенти Роберт Моффэт ҳам ҳисба олинган.



«Тамил йўлбарсларини озод қилиш» террорчилик гуруҳи 1976 йилдан бунён фаолият олиб борган ва шу йилнинг бошида бутунлай тугатилган эди. Бу гуруҳ АҚШда террорчилик ташкилоти деб эълон қилинган. Маълумотларга қараганда, Раж Ражаратнам дунё бойлари рўйхатида 236 ўринини эгаллаб турибди. У 1,8 миллиард доллар маблағга эга.

Полиция билан тўқнашув



КУНИН кеча кечқурун Бразилиянинг Рио-Де-Жанейро шаҳрида гиёҳванд молдлар сотувчи жиноий гуруҳ ва полиция ўртасида катта тўқнашув бўлди. AFP

тарқатган хабарга қараганда, Amigos dos Amigos наркомафияси эгаллаб турган худудга Red Command гуруҳи даъвогарлик қилган. Икки наркогуруҳ ўртасидаги келишмовчиқ туғайли жанжал чиққан. Кейин бу ерга етиб келган полиция вакиллари билан отишма бошланган. Натижанда 12 нафар киши ҳалок бўлган. Хабарда айтилишича, жиноий гуруҳ полициянинг вертолётини уриб тушириши оқибатида икки полиция зобити ҳаётдан кўз юмган. Тўполонни бостириш учун полиция зирфли техникадан фойдаланишга мажбур бўлган.

Бюджетдаги камомад

АҚШнинг 2009 йилги бюджетдаги камомад 1,417 триллион долларни ташкил этди. Бу 2008 йилги кўрсаткичга нисбатан 962 миллиард доллар кўчир. Бу ҳақда ҳукумат баёнотида асосланиб, France-Presse хабар тарқатди. Маълумотларга қараганда, бюджетдаги камомад ички маҳсулот ишлаб чиқаришига нисбатан 10 фоизни ташкил этмоқда ва мамлакатда 1945 йилдан бунён бирор марта ҳам бундай ёмон кўрсаткич қайт этилмаган.

Тимоти Гайтнернинг таъкидлашича, ҳукумат йил бошида бундан ҳам ёмон кўрсаткични прогноз қилганди. Уларнинг ҳисоб-китоби бўйича бюджетдаги камомад 1,58 триллион долларни ташкил этиши керак эди. Оқ уй вакилининг қайт этилишича, мамлакат молия тизимидидаги бу салбий ҳолат аввалги ҳукумат оиди борган нотўғри сисёбат натижасидир.

Гўшт импорти тўхтатилди

КЕЧАЛАН бошлаб «Роскишлоқхўжалик назорат» Россияга Аргентина, Бразилия, Литва ва Германиядан гўшт маҳсулотлари келтиришни вақтинчалик тўхтатиш ҳақида қарор қабул қилди. Бунга ушбу давлатлардан экспорт қилинаётган гўшт маҳсулотлари таркибида зарарли моддалар борлиги аниқлангани сабаб бўлди. ИТАР-ТАСС хабарига айтилишича, бу қарор қанча вақт амал қилиши ҳозирча номаълум. Шу йилнинг апрель-май ойларида H1N1 гриппи вируси туғайли Мексика, АҚШ, Канада, Испания ва Буюк Британияда, терма жамоа аъзолари етишиб чиқди. Республика Олимпия захиралари, Самарқанд ва Тайлоқдаги Олимпия захиралари коллежларида кўплаб ўқувчиларимиз таҳсил олмоқда.

Байрам тантаналари, турли йирик спорт тадбирлари маҳалламиздаги стадионда ўтади. Енгинасида истироҳат боғи ҳам бор. Шунинг учун ўйингоҳ тақдирига бефарқ қарай олмаман. Ахир, қарамангиз, баъзи одамлар ўйингоҳни ташландиқ жойга айлантириш мумкин. Уни қайта жорий таъмирлаш, тадбирларни ўтказишга тайёрлаш ишларини назорат қиламан. Айни пайтда ишчи-ҳодимлар ўртасида спорт мусобақалари ўтказиш ишларига ёрдам берман. Шўқрки, етимшга кирсам-да, байрагимизни яхши. Ҳар кунин эрта тонг югурман. Қолаверса, дала ишлари, ҳаракатланиш инсонини янада тетиклаштиради.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди

ХОЛИС НИЯТ ИЖОБАТИ

1994 йили Япониянинг Хиросима шаҳрида ўтказилган ёғни Осиё ўйинларида юртимиз спортчилари 12 та олтин, 12 та кумуш, 18 та бронза медалларини кўлга киритиб, кунчиқар мамлакатда ўзбекистон номи удулган эди. Мамлакатимиз спортчиларининг бундан 15 йил муқаддам эришган бу улкан ғалабасида «Иштихон» маҳалласининг полвон фарзанди Баҳодир Қурбоннинг ҳам ўз ҳиссаси бор. У Хиросима мусобақаларида юнон-рум кураши бўйича Хитой, Япония, Эрон, Жанубий Корея каби мамлакатларнинг моҳир полвонларини мағлуб этган, унинг шарафига Осиё ўйинларида ўзбекистон мадҳияси янграганиди. Ундан бери қанча сувар оқиб ўтди. Бундан 15 йил муқаддам кўрғонча кўринишидаги Иштихон бугунга келиб кўркам шаҳар қиёфасига кирди. Йўллар кенгайтирилди, атрофи гулзорларга айлантирилди. Бир-биридан шинама мактаблар, лицей ва коллежлар бунёд этилди. Бугунги фараҳли кунлар тўғрисида «Иштихон» маҳалласида истиқомат қи-

ётган Баҳодир полвоннинг отаси Исоқ бобо Қурбон шукроналик билан сўзлайди: — Самарқанд вилоятининг Иштихон шаҳар «Иштихон» маҳалласида яшаймиз. Худудимизда 3500 нафар аҳоли истиқомат қилади. Бу маҳалладан ўнлаб кучли спортчилар етишиб чиққанки, маҳалла аҳли улар билан ҳақли равишда фахрланиди. Чемпионларнинг ютуқларидан илҳомланган ёшларнинг спорт тўғрақларига қатнови кўпайган. Энг муҳими, ёш спортчилар учун зарур шарт-шароитлар яратилган. Маҳалла фуқаролар йиғинининг кенгаши аъзоси Исоқ бобо Қурбон етмиш ёшда. Отақон «Нуроний» жамғармасидаги фаолияти билан ҳам эътиборга тушган. Маҳалладаги ёш қари отақонни ҳурмат қилади. Фарзандлари Фарҳод талбиркор, Абдуҳаким ички ишлар ходими, Олим Республика Олимпия захиралари коллежидида юнон-рум кураши бўйича бош мураббий, ўзбекистон ўсимирлар терма жамоаси устози. Аъзам Иштихон туманидаги Марказий ўйингоҳ директори. «Хиросима» — 1994 Осиё ўйинлари ғолиби Баҳодир Қурбон эса Тошкент шаҳридаги

14-сонли гимнастикага ихтисослашган олимпия захиралари болалар ва ўсимирлар спорт мактаби раҳбари. Келини Оксана Чусовитинани эса нафақат мамлакатимизда, балки жаҳон спортда ахши билишади. Оксананинг жаҳон ва осие чемпионатларидаги, Олимпиада ўйинларидаги ғалабалари туғайли дунёнинг 15 га яқин мамлакатда ўзбекистон мадҳияси янграган. Хиросимада утган Осиё ўйинлари ғолиби, моҳир курашчи Баҳодир Қурбон Атланта — 1996, Сидней — 2000 Олимпиадаларида Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилган спортчилардан. Баҳодир Атлантада кучли ўнликка кирган бўлса, Сиднейда юқори тўртликдан жой олди. Исоқ бобонинг набираси Шерзод Қурбон яқинда Хиндистонда юнон-рум кураши бўйича ўсимирлар ўртасида утган Осиё биринчилигида 54 кг вазн тоғфасида олтин медалга эришди. — Ўзим ёшлиқдан спорт соҳасига қизиқдим. Дастлаб Самарқанд жисмоний тарбия техникумини, сўнгра ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институтини тугатдим, — дея ҳикоя қилади Исоқ бобо.

— Отам курашчи-полвон эди. Менинг ҳам спортга меҳрим бўлачка бўлди. Мактабда ўқитувчилик қилдим, тумандаги 3-, 28-, 43-ўрта мактабларда раҳбарлик лавозимларида ишладим. Юртимизда спортга берилётган катта эътибор бир байратимга ўн байрат қўшади. Шу соҳани одами эмасманми, ўғилларим туманда спорт курашлари бўйича клуб оумоқи бўлганида хурсанд бўлиб кетдим. Иштихоннинг фараҳига айланган Баҳодир Қурбон, Рустам Синдоров, Шерали Шодмонов каби моҳир курашчиларнинг илошларини тарбиялаш истаги тинчлик бермасди. Маҳаллада «Баҳодир полвон» спорт-соғломлаштириш марказини очдик. Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги республика болалар спортини ривожлантириш жамғармаси замонавий кураш гилами ва спорт жиҳозларидан ёрдам кўрсатди. Ўзим, ўғилларим машғулот ўта бошладик. Спортта қизиқувчи болалар сони йилдан-йилга ошиб борган, қўшимча тарзда мураббийларни жалб қилдик. Бугунги кунда 200 нафардан зиёд бола эркин, миллий ва юнон-рум кураши бўйича мунтазам шуғулланмоқда.



Марказининг ташкил топганига эндигина икки йил бўлган бўлса-да, бу ердан Дилшод Сулаймонов, Акрон Исоқов, Ислам Шодмонов каби республика чемпионлари, терма жамоа аъзолари етишиб чиқди. Республика Олимпия захиралари, Самарқанд ва Тайлоқдаги Олимпия захиралари коллежларида кўплаб ўқувчиларимиз таҳсил олмоқда. Байрам тантаналари, турли йирик спорт тадбирлари маҳалламиздаги стадионда ўтади. Енгинасида истироҳат боғи ҳам бор. Шунинг учун ўйингоҳ тақдирига бефарқ қарай олмаман. Ахир, қарамангиз, баъзи одамлар ўйингоҳни ташландиқ жойга айлантириш мумкин. Уни қайта жорий таъмирлаш, тадбирларни ўтказишга тайёрлаш ишларини назорат қиламан. Айни пайтда ишчи-ҳодимлар ўртасида спорт мусобақалари ўтказиш ишларига ёрдам берман. Шўқрки, етимшга кирсам-да, байрагимизни яхши. Ҳар кунин эрта тонг югурман. Қолаверса, дала ишлари, ҳаракатланиш инсонини янада тетиклаштиради.

Юртимизда Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида кўплаб ишлар, ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Маҳалламиз аҳли учун соғломлаштириш мажмуасини барпо этишни режалаштирганмиш. Шуғулланиш учун тренажёрлар, шейпинг хоналари ва бошқа қўлайликларни яратиш ниятидамиш. Ҳа, отақоннинг ниятлари бир дунё. Яратувчанлик иштиёқи билан яшаётган иштихонликларнинг орзулари рўёбга чиқишига шубҳа йўқ. Зеро, баркамол авлодни тарбиялашдек эзу ва хайрли ишларни амалга ошираётган, бу йўлда заҳмат чекаётган инсонларнинг истақлари ижобат бўлажак.

А.АБДИЕВ, Т.РЎЗИЕВ.

Advertisement for Mahalla newspaper, including contact information for the editor-in-chief, subscription rates, and publication details.

НИКОҲ — ОИЛА РИШТАСИ

ДУНЁДА ҳамма нарса жуфт-жуфт яратилган: ой ва кўёш, кеча ва кундуз, ер ва осмон, эркак ва аёл, мусбат ва манфий, гўзал ва хунук ва ҳоказо. Энг қизиғи, ана шу жуфтликлар ажралмас, бир-бирини тўлдирувчидир. Мусбат ва манфий зарралар бирлашсагина электр қувватини ҳосил қилганидай, икки акс нарса жуфтлашиб, яхлит бир комил нарсани пайдо қилади. Бирисиз иккинчисининг қадри, аҳамияти тушиб кетади.

Аллоҳнинг ҳикматини қарангки, жамми мавжудотларнинг энг олийси бўлиш одамзот жуфтлигини ҳам туриш-турмушда, феъл-атворда, воқеликка муносабатда, фикрлашда, ҳис-туйғуларда фарқлангани қилиб яратган. Ана шундай мулақо бир-бирига ўхшамайдиган, бири иккинчисининг акси саналган эркак ва аёлнинг илоҳий никоҳ ришталари туйғулиги бир хонадонда, бир оилда аҳил-тоғув бўлиб яшаб кетишлари, бора-бора бир-бирларини тура олмасликлари, муҳаббат қўйишлари, ҳаёт давомийлигини таъминлаб, умргузаронлик қилишлари ҳақиқатдан Яраттанинг санъатига ва ҳикматига далолатдир.

Йигитлар гўзал, вафодор, солиҳ ва ширинсўз, фаросатли ва ҳаёли рафиқага рубару бўлган қуларини ҳаётларидаги энг бахтли дамлар сифатида бир умр эслаб юришади. Қизлар мард, меҳнатқаш, оиласи ҳақида қайғурмаган, хушмуомала ва ғайратли йигитга турмушга чиқишса, улар учун бундан ортқ бахт бормикан?! Шириндан шакар фарзандларсиз, фаровон ва тотув турмушсиз, меҳрибон ота-оналарсиз бахт яна кемтик бўлиб қолаверади.

Оила кўрғонининг пойдевори, эр-хотинни маҳкам боғловчи ришта никоҳдир. Никоҳ инсонлар жамиятида энг муқаллас битим ҳисобланади. Чунки ҳаётда ҳалол ва ҳаромни ажратиш, эр-хотиннинг ҳақ-ҳуқуқларига риоя этиш, оила тузиш, инсон наслининг давомийлигини таъминлаш, ёш авлод тарбияси никоҳга боғлиқ масалалар.

Никоҳ ўзи нима дегани? Бу сўзнинг лугатда “қўшиш”, “жамлаш”, “яқинлик” каби маънолари бор. Никоҳ эр ва хотиннинг ихтиёрий равишда, гувоҳлар иштирокида бир-бирларига берган розиликлар, аҳд-паймонлари, оила тузиш битимларидир.

Кейинги пайтларда оила мустаҳкамлиги, келин-куёвнинг бахтли, тугилажак зурриётларнинг соғлом бўлишини тўлаб никоҳ олдида келин-куёвни тиббий кўридан ўтказиш ҳам жорий этилган. Бу нарса айримлар ўйлаганидек, “кераксиз машамша” ҳам эмас ёки пул бериб маълумотнома олувчилар фикрлайганидек, удабуронлик ҳам эмас. “Па-па”лаб вояга етказган фарзанини не-не умидлар билан узатган ёки уйлаган ота-она унинг кейинчалик саломатлик борасида юзага келган муаммолар сабаб бахтсиз бўлишини истамайди.

Ислоҳ ҳуқуқида никоҳнинг қўшимча шартли сифатида “қафоат”га ҳам амал қилинади. Қафоатнинг маъноси никоҳланган тавонларнинг ижтимоий, моддий ва маънавий жиҳатдан бир-бирига тенг, мос бўлишини аниқлатади. Халқимиздаги “Тенг тенги билан” мақоли бежизга ай-



тилмаган. Никоҳдаги тенглик икки томоннинг насл-насаби, дини, озодлиги, бойлиги, касб-хунари ва этиқоли каби нарсаларда намоён бўлади. Энг ачинарлиси, кейинги пайтда айрим ёшлар никоҳ ва талоқнинг моҳиятини ҳис этмай, бўлар-бўлмас сабаблар билан ажрашиб, тулдай оилани барбод қилиб, фарзандларини тирик етимга айлантиришапти. Бир маҳалла оқсоқоли яқинда зорланиб қолди: «Маҳалламизда тез-тез оилавий жанжалларга аралашшга, қўйди-чиқдиларга гувоҳ бўлишга тўғри келяпти. Ярим ёки бир йилгина олдин бир-бирига назар солишга ийманиб турган келин-куёвнинг бир-бирига ҳақоратли сўзлар айтиб, тўхмат ва нафрат ёдиди-раётганининг гувоҳи бўляпти. Уларнинг жанжали қудаларни ҳам душманга айлантирган. Шундай тўқчилик замонда нега тулдай оилалар арзimas сабаблар, “дедилди”лар билан бузилиб кетаяпти? Бир-

миз умр бўйи сеп йигиб қиз узатсақ, бошқамиз тийинлаб йигиб ўғил уйлассақ-да, тўйдан кўп ўтмай икки ёшнинг орасидан қора мушук ўтиб, ҳамманинг тинчи бузилиб ўтирса!

Илгари эр-хотиндан бири хиёнат қилса, ё эр оиласини боқа олмаса, ёки фарзандсизликдан ажрашишар эди. Энг алам қиладиган жойи, ҳозир ана шу уруш-жанжаллар, қўйди-чиқдиларга сабаб бўлаётган нарсалар жуда арзимас. Биринчи оқсоқолининг шўрлигидан, бошқасида келиннинг қайнасанга салом бермаганидан, яна бири ҳайит йўқлигида тоғоранинг кам қилинганидан бошланган машамалар бора-бора оиланинг бузилишига олиб келади. Одамлар оила тақдирига, икки ёшнинг бахтига шунчалар бепарво ва енгилтақлик билан қарайдиган бўлиб кетганими?

Оқсоқолнинг қўйинганида жон бор. Буларнинг ҳаммаси ҳаётга янги қадам қўяётган ёшларнинг никоҳ масаласига

масъулиятсизлик билан қараб, “турмуш” дея аталган буюк оламнинг сир-синаотларига, унинг турли машаққатларига, ҳаёт аччиқ-чучуқларига, имтиҳонлари ҳамда ташвишларига тайёр эмасликларидан келиб чиқмоқда. Ёшларнинг аксарияти турмуш, оила, бахт, деган тушунчаларни жуда юзак тушунади. Ҳаёт ҳаммаша уйири-кулгидан, кўнгилхушликлардан иборат, деб ўйлайди. Катталар эса фарзандларини бахтли қилишнинг аслий мезонларидан чекиниб кетишгани учун ўзлари истаманган ҳолда уларнинг бахт гулханлари устига кул тортиб қўйишмоқда. Токи, ахлоққимизнинг азалий мусоффо чашмаларидан сув ичилмас экан, токи оиламизда чинакам муносабатларга — раҳм-шафқат, меҳр-оқибат, ҳурмат-иззат, муҳаббат-садоқат каби фазилатларга қайтилмас экан, бу ихтилофлар, жанжал-можаролар давом этаверади.

Донишмандлар бундай дейишади: “Эр билан хотин оиланинг икки хожаси, хонадоннинг зийнатидир. Эр ва хотиннинг биргаликдаги вазифалари бир-бирларига садоқат, ишонч, эҳтиром, муҳаббат, хотир сақлаш ва ёрдам қилмоқдир. Садоқат уйланишнинг руҳидир. Ноғри ҳаракатлар, фаво-жанжаллар уйланиш руҳини бузиб, оила саодатини барбод этади. Турмуш ва уй-рўзғорга тегишли ишларни эр-хотин бир-бирларидан яширмасликларига керак. Эр баъзида хотиннинг ноғрин ишини билса, унга мулойимлик билан насиҳат қилиши, бу ишнинг хато ёки гуноҳ эканини тушунтириши зарур.

Хотин ҳам эрининг саяб-қасбиди ялқовлигини сезса, тўғри йўлга солиб кўнглини кўтарсин, тасалли берсин, ғайрат бағишласин. Икки томон ҳар қандай ҳолатда ҳам бир-бирларини ташлаб қўймасликка аҳду паймон қилишлари талаб этилади. Масалан, улардан бири касал бўлса, иккинчисининг илтифотсиз қараб, уни боқмасдан ўз ҳолига ташлаб қўйиши кечирилмас ҳолдир.”

Оила ҳаёти ҳеч қачон сидирғасига фақат шоду хуррамлик, бахт-саодатдан иборат бўлмайди. Турмушда ихтилоф ва ташвишлар, қийинчилик ва етишмовчиликлар, мусибат ва ҳам-андуҳлар керагича учрайди. Эр-хотин биргаликда қарши қурашсагина уларни енгиш осон кечади. Оила хотиржамлиги тезроқ қўлга қиради. Агар бундай қийин пайтларда мурося бузилса, ўзаро самимият йўқолса, бирининг ташвишга иккинчиси томошабин бўлиб турса, бу оилда тотувлик ошён қуриши амри маҳолдир. Бир машхур ёзувчи айтганидай, “Муҳаббат, бу — бир-бирига тикилиб туриш эмас, балки бир томонга биргаликда тикилишдир.”

Аҳмад МУҲАММАД,
“Ҳидоят” журнали бўлим мудири.

САЊАТ КУЙ СЕҲРИДА УЛҒАЯР ҚАЛБЛАР

АЙНИ пайтда ёшлар вақтини мазмунли ўтказиши, касб-хунар ўрганишлари учун маҳаллаларда турли тўғарақлар, санъат мактаблари фаолият олиб бораётгани таҳсинга лойиқ. Хусусан, Ҳамза тумани Бердак номидаги 10-сонли болалар мусиқа ва санъат мактаби доимо болалар билан гавжум.

Машгулотлар, асосан, тушлукдан сўнг, яъни болаларнинг дарслардан бўш вақтларида олиб борилади. Бу ерда турли ёшдаги болалар ўзбек халқ чолгу асбоблари: рубоб, чанг, доира, шунингдек, фортепьяно, аккордеон, гитара, скрипка чалишни ўрганиб, актёрлик, хореография, тасвирий санъат каби бўлимларда таҳсил олишади. Ҳозирда 40 нафар олий маълумотли ўқитувчи-мураббий 350 нафар болага санъат сирларини ўргатишмоқда. Улар хунар ўргатиш билан бир қаторда, болаларнинг дунёқарашини бойитиб, уларга одоб-ахлоқ қоидаларидан ҳам таълим бериб боради. Мактаб биносига кириб бораркансиз, бир хонадан кичкинтойларнинг қўшиқ куйлаётган жарағдор овози, бошқасида жажжи қўлчалар билан чалинаётган чолгу асбоби куйи эшитилади.

Маҳалладаги кам таъминланган, кўп болали оилаларнинг фарзандлари учун кенг имкониятлар яратилган бўлиб, ҳозир 80 нафар шундай бола мактабга қатнайд.

Маҳалладаги кам таъминланган, кўп болали оилаларнинг фарзандлари учун кенг имкониятлар яратилган бўлиб, ҳозир 80 нафар шундай бола мактабга қатнайд.

Маҳалла фуқаролар йигини саяб-ҳаракати билан 11 та фарзанди бор оиланинг етти нафар ҳамда Абдушевлар оиласидаги 3 нафар бола мактабда имтиёзли



— Мактабимизнинг иқтидорли тарбияланувчилари доимо турли кўрик-танловларда иштирок этиб, юқори ўринларни қўлга киритиб келади, — дейди мактаб директори Роза Қурбонова. — Жумладан, жорий йилда шаҳар миқёсида ўтказилган кўрик-танловда “Анъанавий” номли ансамблимиз биринчи ўринни эгаллади ҳамда мактабимиз “Энг намунали”, деб топилди. Айтиб ўтиш жоизки, бу ерда таҳсил олган кўпгина битирувчилар санъат соҳасида изланиб, мактабга мураббий сифатида қайтиб келишади. Демак, таълим бераётган мураббийларнинг саяб-ҳаракатлари бежизга кетмагани қувонарли ҳол.

Мусиқа ва санъат мактаби маҳаллалар билан ҳамкорлигини йўлга қўйган бўлиб, айниқса, “Баҳор”, “Донишманд”, “Сивец” маҳалла фуқаролар йигинлари бу ерда турли мавзуларда давра сўхбатлари, байрам таъбирлари ўтказиб туради. Айни пайтда, ҳамкорлар ҳудуддаги 8 та мактабда хор жамоаларини ташкил этиш ма-

қуши имкониятига эга. Мактаб 1963 йили ташкил этилган бўлиб, ҳозирги биного 1985 йилда кўчириб келинган. Бугунги кунда мактабда барча шарт-шароитлар мавжуд, тўлиқ жиҳозланган, таъмирдан чиқарилган. Утган йили 8 та янги анъанавий чолгу асбоблари олиб келинди. Яқин кунларда 15 та кулодчилик дастгоҳи келтирилади. Ҳозирда реконструкция қилиш ишларини бошлаш учун Халқ таълими вазирлиги томонидан зарур маблағ ажратилган. — Бундан ўттиз йиллар бурун қизим шу даргоҳда гитара тўғарагига қатнаган эди, — дейди М.Гусева. — Энди эса неварамни скрипка тўғарагига олиб келаман. Этиборлиси, 6 яшар боланинг тўғарақларга қизиқиши катта. Бунинг сабабини ушбу масканда дарс берадиган ўқитувчиларнинг меҳрибонлиги, ширин сўзлиги ҳамда болалар билан тил топаша олишида, деб биламан.

Мохичехра ЛАТИПОВА,
“Mahalla” мухбири.

ТУРМУШ ЧОРҲАЛАРИДА

КУЁВИММАС, ЎҒЛИМ ДЕГАНДИМ...

Шуҳрат эрталаб ишга кетаётиб, Салимага тайинлади: — Аяси, ўзингни эҳтиёт қил, оғир иш қилма, ўғлим соғлом туғилиши керак. Унинг қайғуриши бежиз эмас эди, чунки хотини бешинчи фарзандини дунёга келтириш арафасида. Ҳар сафар Салима юкли бўлганда, шуниси ўғил бўлар, деб ният қилишар, бироқ орзулари ушалмай, қиз туғилаверарди.

Шуҳрат машинада кетаётиб, хаёлга берилди: «Буниси ўғил бўлади, кўнглим сезаяпти. Унга атаб ҳашамагли иморат қурдим, орзу-ҳавасларим ўғлим тугайли. У туғилган кун эл-юртга ош бераман, энг машхур ҳофизларни айтаман». Шундай ўй-хаёллар гирдобига гарқ бўлган Шуҳрат чорраҳада ёл томонидан келаётган юк машинасини кўрмай қолди...

Шуҳратнинг еттиси кун хотини чақалоқли бўлди. Дадасининг орзу-умидлари бир ёқда қолиб, бу гал ҳам қиз туғилди.

Шуҳратнинг вафотидан сўнг касалманд бўлиб қолган Салимага қариндошлари, қўшнилари кўп ёрдам қилишди.

— Ҳадеб ўзингни қийнайверма, — деб маслаҳат берарди қўшниси Раҳима опа. — Қизларингни ўйла, сенга бир гап бўлса, уларнинг ҳоли не кечади? Иродали бўл!

Қўшниси Раҳима опа жўжабирдай жон бўлса ҳам, туғишганлардек меҳрибонлик кўрсатиб, ҳолидан хабар олиб турди: тан-скирсоқ таом пиширса, илинди, бирор юмуши бўлса, ёрдамлашди, дардини ариштига ҳаракат қилди. Салимани ишга чиқишга ундаб (у ўқитувчи эди), ўзи болаларига қаради. Раҳима опанинг яхшиликлари, меҳрибонликлари боис, Салима бу оғир йўқотишга бардош берди. Қизларининг отасиз ўсаётганларини сездирмасликка ҳаракат қилди. Вақт ўтиб,

қизлар вояга ета бошлади, совчиларнинг кети узилмай қолди...

Мана, кенжа қизи Ёдгоранинг никоҳ тўйи бўлмоқда. Тўйда ўтирган Салиманинг хаёлидан шундай фикрлар кечди: «Худога шукр, қизларим яхши хонадонларга келин бўлди, куёвларим ҳам ўқимишли, тушунган инсонлар. Улардан бирини ёнимга олишим керак. Иккисовуғимга қараб туришарди. Кей бири рози бўларкан? Кенжа куёвим ёлғиз ўғил, у менинг уйимда турмайди, биттаси шаҳарга кўчиб кетди, бирининг ўй-хोजи ўзига етиб ортади, яна бири кенжа ўғил. Энг катта куёвим бир неча йилдан бери хизматини қиляпти, ундан ташқари, ака-укалари билан бир ҳовлида сиқилиб яшапти. Тўй ўтсин, маслаҳат қиламиз.»

Ёлғиз қолган қайнона куёвларини чақирди. Ҳамма жам бўлгач, гап бошлади: — Болаларим, ҳеч ким ёлғиз яшама-син экан, қизларни узатгач, уйим ҳувиллаб қолди. Катта ҳовли ёлғиз одамни юзтиб юборгудек бўларкан. Устига-устак тез-тез мазам қочаяпти. Биттангиз кўчиб келмасангиз, бўлмайди.

Куёвлардан ҳеч бири ҳовлига кўчиб келиб яшагача рози бўлмади. Бирови ишимга узоқлик қилади, деди, бошқаси ота-онамини ёлғиз ташлаб келолмайман, яна бири алоҳида яшагача ўрганганини баҳона қилди.

— Аммо ҳовлини бизнинг номимизга расмийлаштирсангиз, сизга ўзимиз қараб турамыз, — деди катта куёв. — Бу ердагилардан кўра кўпроқ ҳовлига мен эгали қилишга ҳақлиман, чунки катта куёв бўлганим боис озми-кўпми меҳнатим синган.

Олдинига куёвлар жим бўлиб қолишди, кейин бирдан норози бўлиб бақир-чақир қила бошлашди. Иккинчи куёв гап

бошлади: — Нега энди сизнинг номингизга ўтказарканлар? — деди у даргазоб бўлиб.

— Сизларда иккита ўғил бўлса, бизларда учта. Ҳовли-жой кўпроқ бизга керак!

— Шошмасинлар, — деди ўртанчи куёв. — Биз шаҳарда яшаганимиз билан, бир кун қишлоғимизга қайтиб келамиз. Хўш, ўшанда биз қаерда яшаймиз? Уй бизники бўлади!

— Ҳовлининг ярмини кимга хатлаб берсангиз, беринг, аммо тенг ярми бизники! — гапни қисқа қилиш тўртинчи куёв.

— Боядан бери нима деб валдираяп-сизлар? — гапга аралашди кенжа куёв, — уй, одатда, кенжа қизники бўлиши керак. Тўғри, мен ёлғиз ўғилман, бироқ уйга эгалик қилиш бизнинг ҳуқуқимиз.

Бақир-чақир даҳанаки жангга айланган кетди. Салима куёвларига қизларини ёки дангиллама ҳовлиси кераклигини билмай боши ганиди. Жанжалга қизларнинг қий-чуви қўшилди. Салима кўз олди қоронғулашиб, қон босими ошди, шекилли, до-рисини ичиш учун, аникроғи, бу галвадан қутулиш учун ўрнидан турдию гандирақлаб кетди. Кулоғига бақир-чақирни эшитиб хавотир олиб чиққан қўшниси Раҳима опанинг гаплари элас-элас чалинди: «Уят ота-онамини ёлғиз ташлаб келолмайман, яна бири алоҳида яшагача ўрганганини баҳона қилди.»

Салима касалхонада ўзига келди. Нима бўлганини эслади. «Уларни куёвиммас, ўғлим дегандим. Уй-жой кимлардан қолмаган, — хаёлидан ўтказди у. — Шу уйни деб юраганими қон қилишди-я!»

— Холажон, сизга асабийлашиш мумкинмас, — деди ҳамшира қиз унинг юмук қўзларидан оқаётган ёшини кўриб.

Ташқарида «Онанг ўлмасидан уйни ўзингники қилиб кел, эплдомсанг,

кўзимдан йўқол!» деб буйруқ олган қизлари хавотир билан туришарди.

«Вақт-соатим етанга ўхшайди. Мен бу моҳаронга ҳал қилмай кетсам, эл-юрт олдида шарманда бўлиш ҳеч гапмас, бир қарорга келишим керак», деб ўйлаган Салима нотариусини чақиртирди.

Энг кўп даргазоб бўлгани катта куёв эди. Чунки у ҳовлига қаттиқ кўз тиккан эди. «Ҳовлини кампир кимга қолдирдир-кан? — хаёлидан ўтказди у. — Анави Раҳиманинг меҳрибончилиги бежизга эмас, тўртта ўғил бор, уй-жойга муҳтож. Қай-нанам уни жуда ҳурмат қилади, албатта, унга қолдирган! Кўрамыз, менга насиб қилмаган ҳовлида қандай яшаркан?»

Куёв катта идишдаги керосинни машамаларга сабаб бўлаётган ҳовлининг ҳамма бурчига, томдан тортиб ичкари хоналаргача селиб чиқди. Гугурт чўпини оларкан, қўли титраб, тушириб юборди. Бир мудат иккиланиб турди-да, шартта мақсадини амалга оширди: уйга ўт қўйди!

Биров кўриб қолмасин, дея овлоқ қўчалардан юриб уйига келган куёв хотини Гулчехрани уввос солиб йиғлаётган ҳолатда учратди:

— Қаерларда юрибсиз? Онажонимдан ажраб қолдик, — унга тасалли беришга уринаётган эрига айтиб йиғларди Гулчехра. — Онаганим сўнгги нафаслариди ҳам бизни ўйлабдилар, ҳовлини катта неваралари — ўғлимиз Илҳомжонга мерос қолдирдилар!

Ранги докадай оқариб кетган куёв шарт буридию, кўчага отилди. Куёв кўчада чопиб бораркан, қилган номаъқул ишидан ачинибми, қайнасанининг вафотидан қайғурибми ёки қалбида уйғонган одамийлик туйғуси таъсириданми кўз ёшларини тиёлмасди...

Юлдуз ҲОЖИЕВА

ТУРФА ОЛАМ ГАПИРУВЧАН ОҚ КИТЛАР

МУТАХАССИСЛАРнинг таъкидлашича, оқ китлар ҳали кичкина-лигидаёқ бир-бирлари билан гаплашишни ўрганишади. Йиллар ўтиши билан эса улар катта китлар каби бемалол мулоқотда бўлишади. Ванкуверлик биологлар ушбу алоқалар қандай юз беришини аниқлаш учун сув остига тушиб, махсус овоз эшитадиган мослама орқали оқ китлар ўртасида алоқа вазитаси ҳисобланган 29 турдаги товушни ёзиб олишди.

Олимларнинг аниқлашича, ўзларига тажовуз қилинса, оқ китлар маълум бир товуш билан шерикларини ёрдамга чақиради. Яна бир товуш улар ёлғиз эканликларини, бошқа бир товуш эса жуфтликда сайр қилиб юришганини билдиради.

Табиатдаги ушбу ноёб жониворлар бир-бирларига юборган товушларни акс-салони ушлайдиган локация орқали эшитишади. Улар-



нинг бошқа денгиз мавжудотларидан фарқи шундаки, оқ китлар бир-бирларига юборилган товушларни танийди ва уша «тилда» унга жавоб қайтаради.

Нигора ИМОМНАЗАРОВА
тайёрлади.